

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

ЭШИТИШДА МУАММОСИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ТАЛАФФУЗГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 330.657.28

КБК 74.3

У-73

У-73

Эшитишда муаммоси бўлган болаларни талаффузга ўргатиш методикаси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 88 бет+10 расм.

ISBN 978–9943–4500–7–3

Эшитишда муаммоси бўлган болаларни талаффузга ўргатишда аналитик-синтетик методдан фойдаланилади. Бу метод анализ-синтез муносабатларининг мос келишини ҳамда жумлаларни сўзларга бўлиб талаффуз қилишни, сўзларни товушларга бўлиб талаффуз қилишни ва уларни яхлит талаффуз қилишини таъминлайди.

Китобда шулар ҳақида батафсил фикр билдирилган.

УЎК: 330.657.28

КБК 74.3

Тузувчилар:

Барчиной Усмонова – Андижон вилояти, Хўжаобод шаҳар заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати ўқитувчиси;

Замира Юлдашева – Андижон вилояти, Хўжаобод шаҳар заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати ўқитувчиси.

Такризчилар:

З.Мамаражабова – п.ф.н., доцент;

Ҳ.Калбаева – РТМ махсус таълим бўлими бош методисти;

К.Дадахўжаева – Андижон вилояти Хўжаобод шаҳар заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати ўқитувчиси.

ISBN 978–9943–4500–7–3

2021/2/27 18:57

- 1). ЭНБ болалар – эшитишда нуқсони бўлган болалар.
- 2). А _____ товушни чўзиб айтиш.
- 3). А . – товушни қисқа талаффуз қилиш.
- 4). А-а-а – ёки не-ни-на – бўғинлар орасидаги оралик, уларни алоҳида талаффуз қилиш.
- 5). нононо – бўғинларни яхлит талаффуз қилиш.
- 6). < овозни кучайтириш.
- 7). > овозни кучсизлантириш.
- 8). < > овозни кучайтириб кейин кучсизлантириш.
- 9). нононо... бўғинлар қаторини давом эттириш.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларни талаффузга ўргатишда аналитик - синтетик методдан фойдаланилади.

Ўқитишнинг асосий бирлиги бўлиб сўз ва жумлалар хизмат қилади, айти пайтда сўз ва жумла устида ҳам иш олиб борилади. Бу метод анализ-синтез муносабатларининг мос келишини таъминлайди. Бундай ўқитиш методи жумлаларни сўзларга бўлиб талаффуз қилишни, сўзларни товушларга бўлиб талаффуз қилишни, ҳамда уларни яхлит талаффуз қилишини таъминлайди. Мактабларда қўлланиладиган аналитик-синтетик метод концентрик характерга эга. Бу методни рус олимлари Ф.Ф. Рау ва Н.Ф. Слезина таклиф этган. Мазкур метод асосида қуйидаги қонуният ётади: ўқувчи талаффуз қила олмаётган товушларнинг ўрнига вақтинчалик унга яқин товушларни талаффуз қилишига рухсат этилади. Методнинг концентрик моҳияти шундаки, мактабга нутқни эгалламай келган ЭНБ болаларни ўқитиш икки концентрга бўлинади:

I Концентр тайёрлов синфига тўғри келади.

II Концентр биринчи ва иккинчи синфларни ўз ичига олади.

Тайёрлов синфда ўқувчилардан фақат 17 та товушни аниқ талаффуз қилиш таклиф этилади. Бу товушлар фонемаларнинг қисқартирилган ситемасини ўз ичига олади. Булар асосий товушлар ҳисобланади. Асосий товушларга унлилар- А, О, У, Э, И, Ў, ундошлар - П, Т, К, Ф, С, Ш, В, М, Н, Л, Р лар киради. Бу товушлар бир-бирларидан артикуляция жиҳатидан ажралиб туради ва иккинчи концентр товушлардан кўра осонроқ ўзлаштирилади.

I Кон- центр	А	О	У	Э	И	Ў	П	Т	К	Ф	С	Ш	В	Л	Р	М	Н
II Кон- центр					Й		Б	Д	Қ Г Ғ		З Х	Ч Ж					НГ

Такдим этилган жадвалга кўра тайёрлов синфда болалар *она, ота, тўп* сўзларини айтиши лозим. Иккинчи концентр товушларини биринчи концентр товушлари билан вақтинча алмаштириб туриши мумкин. Масалан: *дада, Зарифа* сўзларини

Тайёрлов синфнинг учинчи чораги охирига бориб болалар 17 та товушни ўзлаштириб бўлган бўлиши керак. 1-2 синфда товушлар талаффузи устида системали иш олиб борилади. Нутққа аста-секинлик билан жарангли ундошлар **қ, з, х**, товушлари **ч** қоришиқ ундоши киритилади.

НУТҚИЙ НАФАСНИ, ОВОЗНИ, ТОВУШЛАРНИ КЎЙИШ УСУЛЛАРИ

Кар болаларда талаффуз малакаларининг шаклланиши нутқий аппаратнинг керакли фаолиятини бирор усул билан юзага келтириш билан боғлиқ.

Нафас, овоз ва товушларни кўйишда асосан 3 усулдан фойдаланилади.

1-усул. Таклид усули. Ўқувчи ўқитувчи намойиш қилаётган товуш, бўғин, сўзларни кўрув, эшитув, тери тактил анализаторлари ёрдамида идрок қилади ва такрорлайди.

Таклид қуйидагича намоён этилади:

а. эшитиш асосида қилиш: бунда ўқувчи ўқитувчининг экран ортида талаффуз қилган товуш, бўғин ва сўзларни эшитиб, эшитганларини тўғри талаффуз қилишга ҳаракат қилади. Масалан: товушлар, овоз, бўғинлар: **папапа**

б. кўриш асосида таклид қилиш. Ўқувчи ўқитувчининг нутқ аъзолари, тилнинг ҳолатини кўриб, масалан тилнинг ҳолати, худди шундай артикуляция ҳолатини юзага келтиришга уринади. (ш, и, л, к ва бошқа товушлар).

в. эшитиб кўриш асосида таклид қилиш. Ўқувчи ҳам эшитиб, ҳам ўқитувчининг нутқ аъзоларини кўриб унга эргашиб такрорлайди. (ойна олдида овоз кучайтириш аппарати ёрдамида машғулот ўтказиш).

г. эшитиб кўриб, тактил-тебраниш ҳис этиш ва таклид қилиш: бунда ўқувчи ўқитувчининг нутқ аъзолари фаолиятини кўради, талаффуз элементларини эшитади ва тери-тактил сезгилари ёрдамида ҳам талаффуз элементларини идрок қилади (масалан: **в** товуши талаффузида оғиздан чиқаётган ҳаво оқимини кўлининг орқасида сезади ҳамда кўлини ўқитувчининг томоғига кўйиб тебранишни сезади).

2-усул. Механик усул. Бунда ўқитувчи ўқувчининг у ёки бу нутқ аъзоларига механик таъсир этиб зарур ҳолат ёки ҳаракатни юзага келтиради. Бунда ўқитувчи шпател, зонд ёки ўқувчининг бармоғи билан нутқ аъзоларининг ҳолатини керакли кўриниш ёки ҳаракатга келтиради. Масалан: *к* товушини *т* товушидан кўяди. Механик усулдан фойдаланиб бир қанча машқлар ўтказилганидан кейин ўқувчининг онгида кинестетик таъсир излари сақланиб қолади ва ўқувчи механик усулсиз кинестетик ва эшитув назоратига таянган ҳолда бу товушни такрорлашга ҳаракат қилади.

3-усул. Аралаш усули. Бу усул биринчи ва иккинчи усулни уйғунлашуvidан ҳосил бўлади. Ўқувчи ўқитувчининг нутқ аъзоларининг ҳаракатланишини кўриб, ўз нутқ аъзоларини ҳаракатлантиради. Лекин бунинг аниқ бажара олмайди. Бунда ўқитувчи унга ёрдам беради: Масалан: *Ў* товушини айтаётиб ўқувчи кераклича лабларини чўза олмайди, натижада *Ў А* га ўхшаб қолади. Бунда ўқитувчи икки бармоғи билан ўқувчининг икки лунжини эзади ва лабларнинг чўччайишига ёрдам беради, *Ў* товуши ҳосил бўлади.

ЭШИТИШДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАР БИЛАН НУТҚИЙ НАФАС УСТИДА ИШЛАШ

Эшитишда нуқсони бўлган болаларда тўғри талаффузни шакллантириш уларга таълим-тарбия беришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Чунки оғзаки нутқ муомала воситаси сифатида инсонлар ҳаётида муҳим ўрин тутди. Талаффузни шакллантиришнинг дастлабки босқичи нутқий нафас устида ишлашдир.

ЭНБ бола одатда тўлиқ ёки деярли тўлиқ нонутқий нафасга эга бўладилар.

Улар ўзларининг эшитувчи тенгдошларидан ўпкаларининг тириклик сигими бўйича бироз орқада қоладилар. Маълумки, биз нафас чиқараётиб гапирамиз. Нафас узунлиги сўз ва гапларни кўшиб айтишга ёрдам беради. Бу эса тингловчига нутқни тушунишга ёрдам беради. Узун нафас чиқаришни таъминлаш учун ўпкани керакли ҳаво билан тўлдириш керак. Нутқ жараёнида тез ва чуқур нафас олиш сўзлашув пайтида нафасни оғиздан олишга олиб келади. Бурундан тез нафас ола олмаслигини 2021/2 / 27-баб 18:59 йўллариинг торлигидир.

Таълим олмаган ЭНБ бола нафасни олиб тез чиқаришга одатланган бўлади. Давомли, тежамли нафас чиқаришга ўрганиш, унинг учун маълум қийинчиликлар туғдиради. Агар ЭНБ болаларга унлиларни, сонорларни, фрикативларни бир нафасда айтишни таклиф қилсак, ўзининг эшитадиган ўртоқларидан бу борада анча орқада қолиши маълум бўлади. Бу ҳолат ЭНБ бола нафақат нафас мускулларини тўғри ишлата олмаслигидан, балки артикуляция аппарати ва овоз аппаратини номукаммал ишидан дарак беради. Фақат нафас машқлари билан керагидан ортиқча шуғулланишдан сакланиш керак. Кўп вақтни олган ҳолда улар ҳар доим ҳам кўзлаган натижага олиб келмай, ишга зарар етказиши мумкин. ЭНБ болаларда нутқий нафасни ривожлантиришнинг энг яхши воситаси - унли, сонор, фрикативларни, бўғинларни чўзиб талаффуз қилишдир.

Нутқий нафасни ривожлантириш учун ўқувчига ҳар-хил нафас ўйинларига унли товушларни чўзиб айтишга, бўғинлар қаторини, сўз ва фразаларни бир нафасда айтишга доир турли топшириқларни бериш кифоя. Ўқитишнинг биринчи кунларида нутққа боғлиқ бўлмаган ҳар-хил нафас машқлари ўйин вақтида бажарилади. Бу ўйинларнинг мақсади – болаларни аста-секин чуқур нафас олиб кучли, давомли ва тежамли нафас чиқаришга ўргатишдир. Бу ўйинлар кейинчалик сўзларни баланд ва қўшиб талаффуз қилиши учун зарурдир.

Нафас чиқаришнинг кучи ва узунлигини ривожлантириш учун қуйидаги машқлардан фойдаланиш мумкин: Столдан қоғоз бўлақларини пуфлаш, момикни пуфлаш, масофадан туриб ёниб турган шамни пуфлаш, стол устидаги қаламни пуфлаб думалатиш ва б. Бир маромда нафас чиқариш ва нафас кучини бошқара олиш мураккаброқ жараён ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги машқлардан фойдаланиш мумкин: сувда сузаётган пластмасса буюмларини пуфлаш, қоғоз қайикни, совун пуфакчаларини, столдан қоғоз парчаларини, момикларни пуфлаш. У ёки бу нафас машқларини бажара туриб ундан кўзлаган мақсадни аниқ қўйиш ва ўқувчини шу кўзлаган мақсадга йўналтириш лозим.

Масалан, ўқувчини чуқурроқ нафас олиб, куч билан чиқаришга ўргатиш учун ўқитувчи ўқувчи ўчираётган шамнинг масофасини ўзгартиради. Тежамли, узлуксиз нафас чиқаришга ўргатиш учун оғиз олдида ушлаб турилган қоғозни пуфлаб, уни чиқаётган ҳаво оқими билан итариб бир нафас билан шундай

ҳолатда ушлаб туриш керак. Бу машқлар фақат тайёрлов синфларда ўтказилади.

Биринчи ҳафталарданок унлиларни чўзиб айтиш, бир нафасда бўғинлар қаторини айтиш керак. Бундай машқларни тайёрлов ва 1-синфларда давом эттириб ўқитувчи асосий эътиборни ўқувчининг нутқига сўз ва кичик фразаларни бир нафасда, бўғинламай айттиришга эътиборни қаратиш керак. Ўқувчиларни ҳар бўғинлар ва сўзлар орасида нафас чиқаришига йўл қўймаслик керак.

Масалан ДАДА сўзини яхлит айта олмаса, аввал АДА сўзини айттириб кейин ДАДА сўзига ўтиш лозим.

Нафас чиқаришнинг узунлигига талаблар аста-секинлик билан ошиб бораверади. Агар тайёрлов синфда ўқувчидан бир нафасда 4-5 бўғин айтиш талаб қилинса, 3- синфга борганда 10-12 бўғин айтиш талаб қилинади.

Масалан Мен ёзиб бўлдим. Мен қизиқарли китоб ўқидим.

Нафас чиқаришнинг давомийлиги устида ишлаганда қуйидагилар яхши натижа беради. Тўғри ва тесқари санаш, ҳафта кунлари, ойларни санаш ва синфдошларининг исмларини айтиш. Бажарган ишлари ҳақида савол- жавоб қилиш.

Масалан: Сен нима қилдинг? деб савол берилади.

Мен кеча китоб ўқидим, мактабга бордим , ўйнадим.

2- синфдан бошлаб қуйидаги усулни қўллаш тавсия этилади. Аввал бир нафасда қуйидаги жумла келтирилади:»Биз театрға бордик». Кейин бу жумлага «кеча» сўзи қўшилади. «Кеча биз театрға бордик» гапи ҳосил бўлади ва у ҳам бир нафасда айтилади. «Кеча биз дадам билан театрға бордик». «Кеча кечқурун биз дадам билан театрға бордик» гаплари ҳам бир нафасда айтилади. Бу гапдаги сўзлар сони ўқувчининг нафаси етгунча қўшилиб бориши мумкин.

2- синфдан бошлаб кўп ўқувчи сўзли жумлаларга дуч келади. Бундай жумлаларни бир нафасда айтиш қийин. Бу пайтда гапларни синтагмаларга ажратиб талаффуз қилиш малакасини ҳосил қилиш керак. Гапдаги тиниш белгилар ва ўқитувчи қўйиб берган белгиларга қараб ўқувчилар паузалар билан гапиришга, 4- синфга борганда нафас паузаларини бошқаришга ўрганадилар.

Бунинг учун ўқитувчи синтагмаларга бўлинган матнни ёзиб беради. Матнни эшитиб кўриш ва эшитишга таклиф қилинади. Кейин белгили матн олиб ташланади. Ўқувчилар матнни мустақил синтагмаларга бўлиб ўқийдилар.

Тўғри нутқий нафасни шакллантиришда халқ мақоллари, шеърлар ва адабий асарлардан пәрчалар манба бўлиб хизмат қилади.

Нутқий нафас устида ишлашни нутқнинг тузилиши устида ишлаш билан боғлаш мумкин. Масалан, Мен ўқидим феълини учта шахсда туслаш топшириғи берилади. Кейин:

1 – шахс мен ўқидим;

2 – шахс сен ўқидинг;

3 – шахс у ўқиди феълини бир нафасда талаффуз қилиш мумкин. Кейин кўпликда туслаш мумкин.

1 – шахс биз ўқидик ;

2 – шахс сиз ўқидингиз;

3 – шахс улар ўқидилар деб бир нафасда талаффуз қилиш мумкин.

Нутқий нафас билан ишлаётганда қуйидаги хатоларга йўл қўймаслик лозим:

Ўқувчилардан қатор жумлаларни айтишни талаб қила туриб бир тарафдан ўта кучли нафас олиб ўпкаларни ҳаво билан жуда тўлдириб юбормасликка эътибор берилади. Иккинчи тарафдан ўқувчи ўпкасидаги бор ҳавони сиқиб чиқариб юбориш керак эмас. Иккала ҳолат ҳам нутқ шартларига салбий таъсир қилади.

Кўпинча ўқитувчилар ўқувчига нафас олдира туриб елкаларини кўтардилар, кўлларини кўкракка қўядилар ва ҳ.к. Бу усуллардан фойдаланиш нотўғри, чунки улар ўқувчиларда нотўғри ва нотабиий нафасни келтириб чиқаради.

Агар ўқувчига нафас олиш жараёнини кўрсатиш керак бўлса, қорин деворлари ҳаракатини кўрсатиш кифоя.

Ўқувчилардан нутқ жараёнида фақат бурундан нафас олишни талаб қилиш ҳам нотўғри. Бу ҳолат нутқ пайтидаги нафас олиш талабларига зид. Бу мавзуда фақат нутқ пайтидаги нафас олиш кўзда тутилган. Тинч ҳолатдаги бурундан нафас олиш кўзда тутилмаган.

Нутқий нафас устида ишлаш ўқиш жараёнида, барча дарсларда ҳам амалга оширилади. Нутқий нафасни ривожлантиришда нафақат жумлаларни бир нафасда қўшиб айтиш балки, гапларда керакли жойларда тўхталиш малакаларини ҳам ҳосил қилиш зарур. Бунинг учун ўқитувчи гаплар орасига чизикчалар қўйиб беради ва бу ҳолат ўқувчи ўзи синтагмалар орасидаги чизиксиз тўхталишлар қилишни ўрганиб олмагунча давом этади.

Нуткий нафас устида ишлашнинг мазмуни ўқувчиларда нафасдан тўғри фойдаланиш малакасини ҳосил қилишдан иборатдир. Бу бир нафасда сўзлар ва қисқа жумлаларни талаффуз қилиш, гапларни маъноли бўлакларга ажратишдир.

ОВОЗ УСТИДА ИШЛАШ

ОВОЗ

Нутқнинг барча жараёнини бош мия бажаради. Ундан келган сигнал натижасида овоз ва муайян нутқ товушлари пайдо бўлади. Нафас органлари ёрдамида пайдо бўлган овоз «ҳайдаб» чиқарилади ва резонатор системаси ёрдамида кучлантирилади. Овоз пайчалари инсоннинг сўзлаш жараёнида сўзловчининг эҳтиёжига кўра тез-тез узайиб-қисқариб туради. Пайчаларда пайдо бўлган товушлар қайтаргич (резонаторлар)га урилиб, қайтгандан кейин овоз шаклини олади.

ЭНБ болаларда эшитишни йўқотиш даражасига кўра, овоз камчиликлари учрайди.

1. Овозни қўйиш

Мактабга янги келган ЭНБ болаларда эшитишнинг йўқлиги ва нутқнинг йўқлиги сабабли уларда овоз камчиликлари учрайди.

Овозни қўйиш бўйича ишлар асосан тайёрлов синфда олиб борилади. Биринчи кунлардан ўқувчи кузатилади Унинг кулгуси, йиғиси, ҳис -ҳаяжон билан чиқарган товушлари унинг овози ҳақидаги дастлабки маълумотларни беради.

Дастлабки овоз машқлари қуйидагилар: турли хайвонлар овозига тақлид 9(сигир – му, ит вов – вов, мушук – мяу), талаффузи осон бўлган содда сўзларни талаффуз қилиш: она, ота каби.

Овозни қўйишда қуйидаги ўйинларни ҳам қўллаш мумкин:

1. Самолётлар ўйини: ўқувчилар қўлларини ёзиб синфда югурадилар ва в – товушини чўзиб айтадилар.

2. Поезд ўйини: ўқувчилар поезд каби терилади ва олдиндаги бола паровоз бўлади. Ўқитувчининг сигнали билан поезд ҳаракатга келади ва болалар у – деб айтадилар.

3. Мушук ва кушлар ўйини.

Бир ўқувчи мушук бўлиб хона бурчагида ўтиради ва ювинади. Бошқа болалар қушча булиб қанотларини қоқиб **пи, пи, пи**, деб талаффуз қиладилар. Мушук улардан бирини ушлаб олади. Болалар ролларни алмаштирадилар.

Бу ўйинда болалар **пи** ўрнига **пэ, мэ, бе** деб талаффуз қилишлари зарарли эмас. Муҳими ўқувчилар овоз аппаратини ишга тушириши.

Якка машғулотларда овозни қўйиш усуллари:

1. Бўғинлар, гувраш сўзлар айтилади: **ом – ом, у – у, нанна** амма –

2. Натижага эришиш қийин бўлган ҳолатларда **па** – бўғинидан **а** товушини чўзиб айттириб қўйиш мумкин.

3. Агар ўқувчи **П** товушини талаффуз қила олмаса **А** товушини чўзиб айттириш мумкин.

4. Бошқа усули: ўқитувчи ўқувчининг қўлини ўз юзига қўйиб **м** – товушини чўзиб талаффуз қилади. Бу усул яхшироқ натижа бериши учун ўқувчининг биринчи қўлини ўз юзига, иккинчи қўлини ўқитувчиникига қўйилади. **М** товушида овоз ҳосил қилгандан кейин унга **А** унлиси қўшилади. **М – А**. Кейин **па** бўғинига ўтиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган усуллар билан овоз чиқмаса ёки ўқувчи жуда паст овоз чиқарса, сабрсизлик қилиш керак эмас. Узоқ вақт давом этган машқларда овоз чиқади, паст бўлса кейинчалик тўғриланади. Дастлабки пайтларда баланд овозни талаб қилиш нотўғри. Бу овознинг узилишига олиб келади.

Агар ўқувчида ўта баланд ёки чинқирик овозга мойиллик бўлса, унинг эътиборини кўкрак қафасидаги тебранишни сездириш мумкин. Агар овоз ўта паст бўлса, томоқдаги тебраниш сездирилади.

Тайёрлов машқлар ўрнини системали машқлар эгаллайди. Бу машқлар бўғин, сўз ва жумлалардан иборат бўлади. Системали машқлар бутун ўқув жараёнида олиб борилади, уларнинг мақсади овозни ривожлантириш ва ЭНБ боланинг ҳар хил нутқ шаклларида овозни ўзгартириш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Овоздан фойдаланиш малакаларига асосий талаб – унинг меъёридаги кучи, баландлигидан тўғри фойдалана олишдир. Ўқувчилар сўз урғусида овозни баландлата олишлари, шивирлай олишлари, масофага қараб овозларини баландлатиб пастлата олишлари ҳам муҳим.

Қуйидаги овоз машқларидан намуна келтирамиз:

Шартли белгилар:

Ҳарфдан кейинги чизик товушининг узунлиги **а** — ҳарф тагидаги нукта — товуш қисқалиги **а** товуш ва бўғинлар орасидаги оралик алоҳида талаффуз **па — па — па:**

Яқин бўғинлар қўшиб талаффуз қилиш **папа.**

< овознинг кучайиши;

> кучсизланиш;

<> кучайиб, кейин кучсизланиш

Катта ҳарф - овоз кучи **ПА** кичик ҳарф — пастрок овозни билдиради, **па**

1. Овоз жарангдорлиги (кучсиз овозда ёки овоз йўқлигида муҳим: папапапа)

2. Овоз кучини ўзгартириш.

ПАПАПАПАПА папапа

па ПА ПА ПА па

ПА по ПА по ПА

А ----- а ----- Аа

< а > а а А а а

3. Унлилар узунлиги ва қисқалиги

Па --- па ---- па ----- па па па

А ----- а ----- а ----- а а а

ааа ----- аааа -----

4. Унлилар ва бўғинларни бирга ва алоҳида айтиш.

Папапапапа па па па па па

Аоаоаоаоаоао а о а о а

5. Ҳар хил унлиларни айтаётиб, оҳангни сақлай олиш.

Папопапопапо..... папупапуна..... папипапипапи.....

Папуипи

Аоаоаоаоа ауауауауау..... аиаиаиаиаиа

6. Унли - ундош бирикмаларида овоз оҳангини сақлай олиш.

Ом ----- / о --- м ---- / о --- м ---- о

Ум ----- / у --- м ---- / у ---- м ---- у

Эшитиш қолдиги яхшироқ сақланган болаларда оҳанг устида иш олиб бориш мумкин. Уларга гапнинг сўроқ, дарак, ҳис-ҳаяжон оҳангини акс эттиришга ўргатиш ва маъно урғусига ҳам эътибор бериш мумкин.

ЭНБ болаларда мутация даври ҳақида Мутация даври уларда эшитидиган болаларга нисбатан кечроқ кечади. Бу айтади

нутқ пайтида тез чарчашларидан, томоқдаги оғриқдан шикоят қиладилар. Мутация ўтиб кетганидан кейин бу нохушликлар ўтиб кетади. Кўпинча фальцет овоз ҳам мутациядан кейин ўтиб кетади.

ОВОЗ КАМЧИЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

I. Овоз кучининг бузилишига хос камчиликлар

1. Паст, жонсиз, зўрға эшителидиган овоз

Бундай овоз мактабда янги келган болаларда учрайди.

Ўқувчиларда баланд овозни шакллантиришга интилиб, ундан ўта баланд овозни талаб қилиб бўлмайди, овоз «узилиши» ва нотабий овозга олиб келади. Бу нотабийликнинг сабаби куйидагича:

Ўқувчи ўта баланд овоз чиқармоқчи бўлганида хаво катта босим билан чиқади ва овоз пайчаларининг четлари тартибсиз тебранади. Шунинг учун бундай пайтларда боладан баланд овозни талаб қилиш тавсия этилмайди.

Кучсиз овозда ўқувчи билан унлиларни якка ҳолда ва бўғинларда чўзиб айтиш лозим. Папапа -----а -----

М ва в товушларини ўзидан кейинги унли билан чўзиб айтиш яхши самара беради:

м ----- а, в ----- а. Бу машқлар натижасида овоз мустаҳкамланади.

Чинқирик овоз

Бу камчилик, эшитиш қолдиғи сақланиб қолган болаларда учрайди. Аввал ўқувчига эшитиш қолдиғига таяниб меъёрдаги ва чинқирик овоз ўртасидаги фарқ сездирилади.

Эшитиш қолдиғи йўқ бўлса, ўқувчига ўқитувчининг кўкрак қафасида чинқирик ва меъёрдаги овоз ўртасидаги фарқ сездирилади.

Талаб қилинадиган овоз ҳосил бўлганидан кейин баланд бўлмаган а товуши талаффуз қилинади.

II. Овознинг меъёридаги баландлигининг бузилиши билан боғлиқ камчиликлар

1. Ўқувчининг ёшига мос келмайдиган овоз

Бундай камчилик кам учрайди. Нуқсонни тузатишда эшитув назоратидан фойдаланилади. Агар эшитиш қолдиғи сақланиб қолмаган бўлса ўқитувчи ўқувчининг қўлини ўзининг кўкрак қафасига қўйиб меъёрдаги овоз ва ўта паст ёки ўта баланд овоз ўртасидаги фарқ сездирилади.

Фальцет овоз

Кўкрак резонаторисиз ҳосил бўладиган баланд овоз. Бу жуда қўпол камчилик ҳисобланади. Нутқнинг тушунарли бўлишига салбий таъсир қилади. Ўғил болаларда бу камчиликни тузатиш осонроқ.

Бу камчиликни тузатиш учун аниқ, қатъий усул белгиланмаган. Баъзи болаларда а товушида тузатилади, баъзи болаларда в товушида, баъзи болаларда эса м товушида овоз меъёрга келади. Болаларда қайси товушда овоз камчилиги тузатилишини ўқитувчи аниқлаши лозим.

Масалан: М товушини иложи борида чўзиб айтиши мумкин. Кўпинча м товушини чўзиб талаффуз қилганда талаффуз охирида овоз пасаяди. А ----- па ----- м —товушларини чўзиб айтишда фальцет овоз билан меъёрдаги овоз фарқини сездириш учун ўқувчининг қўлини ўқитувчининг кўкрак қафасига қўйилади ва меъёрдаги овоз ва фальцет фарқланади.

III. Овоз тембри бузилишига оид камчиликлар

Пинғи овоз

Бу камчиликда юмшоқ танглай туширилган бўлади, чиқаётган ҳаво, ҳам овоздан ҳам бурундан чиқади. Бу жуда кенг тарқалган ва қўпол камчиликдир.

Бу камчиликни тузатиш учун па бўғини бир неча марта куч билан айттирилади. Бунда товуш чўзиб талаффуз қилинади. Кейин а товуши бўғиндан ажратилади. Шу тарзда бошқа унлилар устида ҳам ишланилади. Ўқитувчи ўқувчига пинғи овозни талаффуз қилиб

беради ва унинг бармоғига бурун қанотлари тебранишини сездиради. Кейин меъёрдаги овозни талаффуз қилади ва меъёрдаги овозда бурун қанотларининг тебранмаслигини сездиради. Ўқувчига ойна олдида а унлиси баланд талаффузида юмшоқ танглай ҳолатини кўрсатиш лозим. А, а, а.

Агар юқоридаги усуллар натижа бермаса, а товуши талаффузи пайтида бармоқни ёки шпателни юмшоқ танглайга енгил теккизилса, юмшоқ танглай рефлектор равишда кўтарилади. Турғун пинғиликда ўқувчини лор врачга кўрсатиб юмшоқ танглайда ёрик бор ёки йўқлиги аниқланади.

Хириллаган овоз

Томоқ ҳолати лор врач томонидан текширилади. Врач маслаҳатидан сўнг, унлиларни якка ҳолда ва бўғинда чўзиб айтишга доир машқлар қилинади. Масалан: Па ----- м -----
--- а -----, а -----, о -----

Нутқ товушлари устида ишлаш

Дастлабки талаффуз малакаларини ҳосил қилиш ўқитишнинг бошланғич уч йиллигида амалга оширилади.

Тайёрлов синфда нутқ товушларини кўйиш бўйича системали иш олиб борилади Тайёрлов синфнинг дастлабки икки ҳафтаси **тайёрлов** даври ҳисобланади. Тайёрлов даврида ўқитувчи ўқувчининг қандай товуш захираси билан мактабга келганлигини аниқлаши лозим. Бунинг учун у ўқувчининг ҳар хил фаолият жараёнидаги овоз ва товуш реакцияларини кузатиб боради. Тайёрлов даврида ўқувчига энг оддий бўғинлар, содда сўзларни ўқитувчининг орқасидан такрорлаш қобилияти ривожлантирилади Бу кўпинча эшитиб кўриш асосида амалга оширилади.

Кейин иккинчи ҳафтанинг охирида ўқитувчи ўқувчиларни биттадан якка машғулотга олади. Бунда оддий бўғин ва содда сўзларни ўзи орқасидан ўқувчига такрорлашни таклиф қилади ва ўқувчининг талаффузини шакллантириш бўйича системали иш олиб боради.

Биринчи синфдан бошлаб ўқувчининг талаффуз ҳолати ҳар бир товуш мисолида текширилади ва натижа алоҳида жадвалга белгиланади. Текшириш натижасига асосан ҳар бир ўқувчининг

талаффузини тузатиш бўйича алоҳида иш режаси тузилади ва шу режа асосида ўқувчининг талаффузи тузатилади.

Талаффуз ҳолатини қўйидагича текширилади:

1. Нуткий нафас
2. Овоз
3. Товушлар
4. Ургу
5. Орфоэпия қоидаси

Товушларни қўйиш ва тузатиш

Материални баён қилишни умумий тартиби. Бу бўлимнинг материали қуйидаги режа асосида баён қилинади:

А) Ҳар бир товушни талаффуз этишдаги нутқ органлари ҳолати тасвирланади, артикуляциясини кўриб ва сезиб идрок қилиш мумкин бўлган элементларга алоҳида эътибор қаратилади.

Б) Мазкур товушнинг қўйиш усуллари

В) Шу товушда кўпроқ учрайдиган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари

Г) Шу товушни мустаҳкамлаш ва автоматизациялаш учун машқлар

Нутқ органларининг меъёридаги ҳолатини тасвирлаш қуйидаги тартиб билан берилади.

1. Лаблар ҳолати ва ҳаракати.
2. Тишлар орасидаги вертикал ҳолат.
3. Тил ҳолати учи, ўртаси, ёнлари, илдизи.
4. Юмшоқ танглай ҳолати.
5. Ун пайчалари ҳолати.
6. Чиқаётган ҳаво йуналиши ва босими.

Умумий методик кўрсатмалар

1. Товушни қўйиш ёки тузатиш учун дарсга тайёрланаётган ўқитувчи ойна олдида ўз артикуляциясини синчиклаб ўрганиб чиқиш лозим. Бундан ташқари ўзининг жинжилоғи ёки кўрсаткич бармоғи ёрдамида тил ҳолати ва ҳаракатини аниқлаш мумкин. Ўқитувчи ўзида тил, лаблар, жағ, овоз пайчалари ҳолати ва кинестетик тасаввурларни ҳосил қилиши керак. Кинестетик

тасаввурларни ҳосил қилишда, ўқитувчига товушларни шивирлаб талаффуз қилиб кўриш ёрдам беради.

Масалан. Б—П Г-- М Г-- Қ В---Ф З—С
товушларини шивирлаб талаффуз қилиб кўриш ёрдам беради. Жарангли ундошларда лаблар тил пассив ҳолатда, жарангсиз товушларда бу ҳолат фаол эканини сезиш мумкин. Бу товушларга овоз кўшиб талаффуз қилаётганимизда жарангли товушларда жарангсиз товушларга нисбатан чиқаётган ҳаво босимининг кучсизлигини сезиш мумкин.

2. Ўқитувчининг ўзи ҳам ҳар қандай товуш камчиликларини талаффуз эта олиши жуда муҳим. Бу унга камчилик моҳиятини англаб етишга имкон беради. Товуш камчиликларини талаффуз қила туриб ўқитувчи мазкур товушнинг тўғри талаффузи билан нотўғри талаффузи ўртасидаги фарқни аниқлаб, камчиликни тузатиш йўлини топиши осон бўлади

3. Ўқувчи ўз камчилигини аниқ англаши учун нуксонли ва меъёрдаги талаффузни солиштириши лозим. Товуш камчилиги ва меъёрдаги талаффуз ўртасидаги фарқни яхшироқ сезиш учун аввал камчиликка урғу бериб талаффуз қилинади, кейин меъёрдаги товушга урғу бериб (бўрттириб) талаффуз қилинади.

Ўқувчи тўғри артукулятцияни англаб етганидан кейин урғу бериб (бўрттириб) талаффуз қилиш тўхтатилади.

4. Ўқувчи машқлар ёрдамида товушни тўғри талаффуз қила олса, ўқитувчи ўқувчини рағбатлантириши керак. Бу эса ўқувчини хотирасида шу товушнинг тўғри талаффуз ҳолатини сақлаб қолиш учун муҳимдир.

5. Оғзаки машқларни айттираётганда, албатта уларнинг ёзувдаги ифодасини доскада кўрсатиш керак.

6. Боғланган бўғинлар қаторини айттиришдан кўзланган мақсад қуйидагича:

а. Бу машқлар ёрдамида ЭНБ болада сўзлар ва фразаларни кўшиб айтиш малакаси ҳосил бўлади.

б. Бу машқлар ёрдамида унли ва ундош товушлар бир-бирига мослашади.

в. Бир нафасда айтилган бўғинларни санаб, аста —секин улар сонини кўпайтириб бориб биз табиий йўл билан ЭНБ болаларда нутқий нафасни ривожлантирамыз.

7. Мустаҳкамлаш бўлимида ундош товушларни «ҳамма унлилар билан мустаҳкамлаш», - деб ёзилган бўлса, бу жумла

2021/2/27 19:05

ўқувчилар ҳамма унлиларни ўзлаштириб бўлган вақтга тегишли. Агар ўқувчи маълум унлини талаффуз қила олмаса, ўша унли товуш билан машқ қилиш тавсия этилмайди.

8. Мазкур товушга оид сўзлар ва гапларни талаффуз қилиш кўзда тутилади. бунда ўқувчи нафақат ўқитувчини орқасидан сўз ва фразаларни такрорлаши лозим, балки ўзи мустақил товушга оид сўзлар ўйлаши, расмларни номлаши, саволларга жавоб бериши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Товушни мустаҳкамлаш учун олинадиган нутқ материали ўқувчи учун таниш, кундалик ҳаётида учраб турадиган, дарсда қўлланадиган бўлиши муҳимдир.

Товушнинг меъёردаги ҳолати ҳақидаги бўлимда товушнинг яқка ҳолатидаги талаффузи тасвирланган. Бўгин ва сўзларда товушлар ҳолати бир-бирига мослашади.

Товушларни қўйишда бир-бири билан боғлиқлиги


Сурдапедагог ўз ўқувчиларидаги товуш камчиликдарига дуч келганда бу камчиликларни тузатиш ва қўйишда қайси товуш асос (база) бўлиб хизмат қилишини аниқ тасаввур қилиши керак.

Масалан. Г товуши нотўғри талаффуз қилинса, у қуйидагиларни ёдидан чиқармаслиги лозим. Г нинг тил орқа товуши эканлигини ва унга К товуши база товуш ҳисобланишини билиши керак.



Жарангли товуш сифатида эса унга Д ва Б товушлари яқин. Шунинг учун сурдапедагог Г товушини тузатишдан олдин К, Д, Б товушларининг талаффузини текширади. Қуйидаги жадвал ўқитувчига товуш камчиликларини бартараф этишда ёрдам беради. Унда товушлар орасидаги боғлиқлик кўринади. Жадвалдан фойдаланиш усули қуйидагича.

Мазкур товуш камчилигини тузатиш стрелка йуналган томонга қараб амалга оширилади.

Портловчи товушлар учун.



Сирғалувчи товушлар учун.



Унли ва ундош товушлар билан ишлашнинг умумий қоидалари

Э ва К товуши мисолида. Товушлар билан ишлашдаги машқлар кетма –кетлигини баён этамиз.

Э товуши учун машқлар

1. Тovuшни чўзиб ва қисқа талаффуз қилиш, бўгинлар қаторини қўшиб ва алоҳида талаффуз қилиш.

Э-----Э-----

Э Э Э

ПЭ-----ПЭ-----

ПЭ ПЭ ПЭ.....

ПЭПЭПЭ.....ПЭПЭПЭ.....

2. Товуш кучи.

эээЭЭЭэээ

3. Фарқлаш.

АЭАЭАЭ..... ИЭИЭИЭ.....ИЭА ИЭА ИЭА....

ПАПЭПАПЭ..... ПАППЭПИ ПАПЭПИ..... ПИПЭПА

4. Автоматлаштириш темпни аста-секин тезлаштириш ва урғу.

ПИПЭПА ПИПЭПАПИПЭПАПИПЭПА.....

2021/2/27 19:07

АЭАЭАЭАЭ..... ПЭПЭПЭ ПЭПЭПЭ ПЭПЭПЭ
ПАПЭПИПАПЭПИ ПАПЭПИПАПЭПИ

К товуши учун машклар

1. Товушни алохида айттириш.

ККК х товуши чўзиб айтилади.

2. Очик бўгинда.

КА КА КА КО КО КО КУ КУ КУ КЕ КЕ КЕ КИ КИ КИ

3. Ундош ва унлилар орасида

АКА ОКО УКУ

4. Тескари бўгинда

АК АК АК ОК ОК ОК УК УК УК

5. Ёпик бўгинда

КАК КОК КУК.

6. Бўгинлар қатори тезлаштирилади ва ургу қўйилади

КАКА|КАКА... КОКОКОКО..... КУКУКУКУ.....

7. Фарклаш.

КАГАКАГАКАГА.....КАХАКАХАКАХА.....

КАТАКАТАКАТАКАТА..... ва бошқа ундошлар билан.

АФКА АСКА АШКА АПКА АТКА...

9. Товуш сўз боши, ўртаси ва охирида.

Капалак, ака – ука, кичик.

10 Жумла.

Катта ака, кичик ука.

Уили товушлар

А товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар таранг эмас.

2. Тишлар орасидаги вертикал ҳолат очик, бош бармоқ энлигида.

3. Тил ясси ҳолатда.

4. Тил учи пастки тишларга яқин.

5. Юмшоқ танглай кўтарилган.

6. Овоз пайчалари тебранади.

7. ЭНБ бола очилган оғизни ва тишлар ҳолатини кўради.

ЭНБ бола кўкрак ва томоқдаги тебранишни, оғиздан чиқаётган илиқ ҳавони сезади.

А товушини кўйиш

Ўқувчиларимиз мактабга келган илк кунлариданок ўз ҳаракати ва ўйинларида ПАПАПА бўғинларини айтадилар. Табиий А товушига эришиш учун шу бўғиндан фойдаланиши лозим, аста-секин бўғинлар темпини секинлаштирамиз ва А товушини чўзиб айтамиз.

ПА-----ПА-----ПА----- тарзида айттириб, кейин унлини ажратамиз.

ПА-----А-----А----- деб айттирамиз. Кўпчилик ўқитувчилар А товушини якка ҳолда кўядилар. Бунда ўқувчининг эътиборини тил ҳолати, томоқ ва кўкракдаги тебранишга қаратадилар, улар А товушини баланд айттиришга уринадилар. Бу билан ўқувчига тебранишни яхшироқ сездираман деб ўйлайдилар. Лекин бу усул ЭНБ болада нотабиий, кўпол А ни келтириб чиқаради. Дастлабки пайтданок А ни баланд айттириш шарт эмас. Паст овоз билан айтиладиган товушлар нутқий нафас билан ишлаганда мустаҳкамланади.

А товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Тишлар орасидаги вертикал масофа ўта кенг.

Тузатиш. Ойна олдида меъёрдаги ҳолат кўрсатилади.

2. Тилнинг ўртаси кўтарилган, букилган натижада Э товуши ҳосил бўлади.

Тузатиш. Бармоқ ёки шпател билан тилни сал эзиш керак, ойна олдида меъёрдаги ҳолатни мустаҳкамлаш лозим.

3. Тил орқага ўта тортилган, илдизи танглайга яқин жойда тўсиқ ҳосил қилади ва товушинг томоқ артикуляцияси ҳосил бўлади.

Тузатиш. Ойна олдида тилнинг учи тишларга яқин жойлашганини, тилнинг ўртаси ва илдизи ясси ҳолатда эканини тушунтириш керак, агар бу усул ёрдам бермаса, шпател ёки бармоқ билан тилни салгина босиш лозим.

4. Тил орқага тортилган, юмшоқ танглай туширилган, ҳаво ҳам оғиздан, ҳам бурундан чиқади. Овоз пинғи талаффуз этилади.

Тузатиш. Ойна олдида тилни тишларга яқинлаштириш кўрсатилади. Тил илдизига шпател ёки бармоқ билан енгил босилади, бош бармоқнинг очик, юмшоқ тарафи билан танглай мускуллари қисқартирилади яъни танглай кўтарилади. Сунъий равишда эснаш ҳосил қилинади ва шу пайтнинг ўзидаёқ чўзиқ А-ни талаффуз қилдирилади.

5. Тил янада орқага тортилган юмшоқ танглайга бориб ёпишади. Ҳаво фақат бурундан ўтади ва НГ товушига ўхшаш бурун товуши ҳосил бўлади.

Тузатиш. Ўқувчига яқинлашган лабларни пуфлатиб, пуфлашга овоз кўшилади ва В товушини ҳосил қилдирамиз ва А уни товушига қуйидагича кўшамиз: ВАВАВА агар, бу усул самара бермаса 3- банддаги усулдан фойдаланилади.

Эслатма. Юқоридаги ҳамма ҳолатларда тил ҳолатини кўл билан кўрсатиш яхши натижа беради. Бунда биринчи кўл билан жағ кўрсатилади, иккинчи кўл билан тил ҳолати кўрсатилади.

А товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

А товушини кўйиш ва тўғри артикуляциясига эришиш учун қуйидаги машқлар бажарилади.

1. А товушини чўзиб талаффуз қилиш. А-----

2. Товушни узук-узук талаффуз қилиш. А. А. А. А. А. (бир нафасда).

3. Бир нафасда бир неча марта ҳар-хил овоз кучи билан талаффуз қилиш.

аА. аА. аА (кичик а паст овозни, катта А баланд овозни билдиради).

4. Овознинг кучини кучайиши ва пасайиши.

А аааАааа Аааа ааААаа

5. Товушни бўғинларда бир нафасда айтилиши.

Папапапа тататата вававава. Бундай машқлар бир вақтнинг ўзида овозни, нутқий нафасни шакллантиришга хизмат қилади.

У товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар чўччайиб олдинга анча чўзилган, овал ёки думалок шаклда.
2. Тишлар орасидаги вертикал масофа яқин, тахминан 5мм.
3. Тишлар кўринмайди..
4. Тил учи пастки тишлардан анча йироқлашган.
5. Тилнинг илдиз қисми юмшоқ танглай томон тортилган.
6. Юмшоқ танглай кўтарилган.
7. Овоз пайчалари тебранади.
8. ЭНБ бола чўччайган лабларни (ҳам олдиндан ҳам ёнбошдан кўрсатиш керак) тишлар орасидаги А ва Ў товушига нисбатан кичикроқ ёриқни кўради.
9. Томоқ ва кўкрак қафасидаги тебранишни, А ва Ў товушига нисбатан кучлироқ ҳаво оқимини сезади.

У товушини қўйиш

А товуши базасида қўйилади. Ўқитувчи па-----у деб кетма- кетликда талаффуз қилади ва ўқувчиларга лабларни аста-секин чўзилишини кўрсатади. Тилнинг орқага максимал тортилиши лабланиш туфайли кўринмайди ва уни оғизни бироз очиб кўрсатиш керак. Бу пайтда ўқитувчи бармоғи билан тилни орқага итаради. Ўқувчи У товушини қониқарли айтгандан сўнг, унлиларни қўшиб, кейин ажратиб айтишга доир машқлар бажарилади.

А у_ ва а у_ кейин ўқувчи талаффуз қила оладиган ундошлар билан машқлар бажарилади.

Бунда ундош товуш ўзидан кейинги унлига мослашишини диққат билан кузатиш лозим.

У товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Лаблар етарлича чўзилмаган, Ў товуши ёки шу товушга ўхшаш товуш ҳосил бўлади.

Тузатиш: Ойна олдида А---Ў---У--- А---Ў У--- деб машқ қилдирилади. Ёки оғиз торайишини чизмаси чизиб кўрсатилади.

2. Лаблар ортикча чўзилган, натижада кучли пуфлаш билан В товуши ҳосил бўлади.

Тузатиш. Бармоқ ёки шпатель билан лаблар орқага итарилади, лабларнинг тўғри ҳолати ва нотўғри ҳолати ўртасидаги фаркни ойна олдида кўрсатиш керак.

3. Тишлар орасидаги вертикал ҳолат жуда катта, натижада У товуши Ў товуши оҳангига эга бўлади.

Тузатиш: Ойна олдида ўқитувчи билан жағни яқинлаштириб А—Ў—У, А—У—У деб машқ қилиш керак.

4. Тил учи пастки тишга қадалган, ўртаси кўтарилган ва Й товушини ҳосил қилади.

Тузатиш. Тилни бармоқ, шпатель ёки Ш товушига мўлжалланган зонд билан орқага итарилади. Ойна олдида оғизни очиб тил орқага тортилганини кўрсатилади. Тилни орқага ва олдинга ҳаракатлантиришга доир машқлар бажарилади. АУ АУ АУ тарзида.

5. Тил- ўта орқага тортилган, унинг баланд кўтарилган илдизи ва юмшоқ танглай ўртасида енгил ишқаланиш содир бўлади ва Ғ товушига ўхшаш товуш ҳосил бўлади.

Тузатиш: Зонд ёки бармоқ билан тил илдизи босилади, ойна олдида оғизни очиб тўғри артикуляцияси тушунтирилади.

6. У товушини фальцет талаффуз қилади.

Тузатиш: Товушни меъёردа айтилаётган унлилар билан боғлаш керак. Ўқитувчи ўқувчининг бир кўлини ўзининг кўкрак қафасига, иккинчи кўлини ўқувчининг кўкрак қафасига қўйиб, А-----У деб талаффуз қилиши керак ва ўқувчига биринчи унлидан иккинчи унлига ўтишда кўкрак қафасдаги тебраниш ўзгармаётганини тушунтириш лозим. Вақтинча шивирлашга ўтиш ҳам мумкин.

У товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1, 2, 3, 4—бандлар худди А товушидек.

5. АУАУАУ яхлит ва АУАУАУ алоҳида - бу машқ лаб ва тил артикуляциясини аниқлаш учун.

6. АУАУ яхлит АУАУАУ алоҳида

7. УУУУУ яхлит У У У У алоҳида

8. АУ АУ АУ яхлит А У А У алоҳида

9. Шу вақтгача ўрганилган ундошлар билан бирга ПУПУПУ ТУТУТУ КУКУКУ

ПАПУПА ПУПАПУ ТАТУТА ТУТАТУ ТАТУТЎ

ТАТУТЎ

10. Юқоридаги машқлар.

1-2 -3-бўғинда ургу билан.

Эслагима. У товуши ўзидан олдинги ундошни лаблантиради. Ойна олдида таққосланг: ТАТАТА ва ТУТУТУ, КАКАКА ва КУКУКУ.

Ў товуши

Меъёрадаги ҳолат

1. Лаблар олдинга чўзилган, думалок шаклда.
2. Тишлар орасидаги масофа А товушига нисбатан кичик, кўрсаткич бармоқ кенглигида.
3. Тилнинг илдизи У товушига нисбатан орқага тортилган.
4. Тишлар кўринмайди.
5. Юмшоқ танглай ҳавони бурундан ўтказмайди.
6. Овоз пайчалари тебранади.
7. Жағ У товуши ҳолатига нисбатан пастга тушади.
8. ЭНБ бола томоқ ва кўкрак қафасдаги тебранишни, жағнинг пастга тушишини сезади.

Ў товушини қўйиш

Ў товушини ўқувчига А ва У товушини қўйиб, мустаҳкамлангандан кейин қўйилиши лозим. Ў товуши А товуши базасида қўйилади. ПА бўғинидан бошлаб, ПА Ў А Ў шаклида қўйилади. Бунда ўқувчининг эътиборини нафақат товушнинг лабланишига, тилнинг орқага енгил тортилиши, оғиз бўшлиғининг торайишига қаратиш лозим. Чўзилган лаблар тил ҳолатини кўришга имкон бермагани сабабли тил ҳолатини оғизни очиб кўрсатиш лозим. Бунда ўқитувчи бармоғи билан ўзини тилини учини бироз орқага итаради. Ў товушини қўйиб бўлгандан кейин машқларда мустаҳкамланади.

АЎАЎАЎ, АЎ АЎ АЎ деб талаффуз қилинади. Бу пайтда лаблар ҳаракати аниқлигини кузатиш керак.

Ў товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш


1. Лаблар олдинга етарлича чўзилмаган ёки умуман чўзилмаган, натижада Ў ўрнига А га яқин товуш эшитилади. Лабланишнинг йўқлиги.

Тузатиш. Ойна олдида лаб гимнастикасини бажариш керак.

АЎ АЎ деб бармоқлар билан ўқувда лабларини мустақил шундай ушлаб туриш малакалари ҳосил бўлмагунча думалок шаклга келтириш машқларини қилиши лозим.

Оғиз бўшлиғидаги оралиқнинг схемасини чизиб кўрсатиш ҳам самара беради. А Ў

Ёки бош кўрсаткич бармоқ ёрдамида овал ёки думалок ҳолатни кўрсатиш мумкин.

Расм  А ў

2. Лаблар ортиқча чўзилган, ў товушига ўхшаш товуш ҳосил бўлади.

Тузатиш: Ойна олдида Ў ----- Ў ---- Ў ----- Ў деб машқ қилдирилади.

3. Тишлар орасидаги масофа ўта кенг, ҳудди а товушидек. Натижада яқин ўта очик ў ҳосил бўлади.

Тузатиш: Ойна олдида а товушидан ў товушига ўтаётиб тишлар орасидаги вертикал масофа кичрайишини кўрсатиш лозим. Бунда кичрайишни ўқувчининг кўлини ўқитувчининг жағига қўйиб сездирилади. АЎ АЎ АЎ деб машқ қилдирилади.

4. Тил орқага итарилмаган, А ҳолатида қолади. Натижада Ў товуши билан А товуши оҳанги қўшилиб қолади.

Тузатиш: Бармоқ ёки шпател ёрдамида тил орқага итарилади. Кейин АЎ АЎ АЎ машқлари бажарилади.

5. Тил итарилмаган, балки эгилган, натижада Э унлисига ўхшаш товуш ҳосил булади.

Тузатиш: Ўқитувчи оғзини очиб, тилнинг тўғри ҳолатини кўрсатади. Бармоқ ёки шпател билан тилни енгил босиб, орқага итарилади.

6. Тил орқага тортилган ва товушнинг жарангсизлиги пасаяди.

Тузатиш. Тилнинг учи енгил босилади.

Ў товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1, 2, 3, 4, 5 – машқлар ҳудди А товушидек.

6. А ва Ў товушларини навбатма – навбат лаб артикуляциясига аниқ амал қилиб айттириш;
АЎ АЎ АЎ АЎ АЎ бир нафасда айтган жуфтлик АЎ сонини санаш;

7. ПАПЎПАПЎПАПЎ ТАТЎТАТЎТАТЎ
бўғинлар қаторини айттириш;
1 -2-бўғин урғу билан.

Эслатма. Ў унлиси ўзидан олдинги ундошга алоҳида характер бахш этади ----ундош лабланади. Ойна олдида ка ка ка ва кў кў кў бўғинларини таққосланг. Бу ҳақда ундош товушлар ҳақидаги бобларда айтиб ўтилади.

И товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар бироз тишларга ёпишган ва оғиз бурчаклари икки тарафга тортилган. Лаблар кулгу ҳолатида.

2. Тишлар орасидаги вертикал масофа 1-2мм.

3. Тил юқорига кўтарилган, букилган, танглайга яқин. Тил учи пастки тишларга ёпишган. Тилнинг икки ёнлари юқори илдиз тишларига ёпишган.

4. Юмшоқ танглай кўтарилган.

5. Овоз пайчалари тебранади.

10. ЭНБ бола кулгу ҳолатдаги оғизни, тишлар орасидаги кичик масофани кўради.

11. ЭНБ бола кўкрак, томоқ ва лунжлардаги тебранишни сезади.

И товушини кўйиш

1- усул. Ўқитувчи аввал А товушли бўғинларни айтади. ПАПАПАПА, кейин И товушли бўғинларни айтади. ПИ ПИ ПИ ПИ

2- усул А товушидан кўйиш мумкин. Ўқувчига а ва и товушининг фарқини тушунтирилади.

А товушидаги очилган оғиз, и даги оғизга нисбатан торлиги ойна олдида кўрсатилиб, тушунтирилади. А товушидаги тил

ҳолати ва и товушидаги тил ҳолати орасидаги фарқ ойна олдида кўрсатилиб тушунтирилади.

И товушининг тўғри артикуляциясига эришиш учун куйидаги машқлар самара беради.

АИ АИ АИ АИ АИАИАИАИ

АУИ АУИ АУИ бунда И товуши урғу билан гоҳ урғусиз айтилади.

И товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш усуллари

1. Тишлар орасидаги вертикал масофа жуда очик, натижада Э товуши ҳосил бўлади ёки жуда яқин, натижада 3 товуши ҳосил бўлади.

Тузатиш: Ойна олдида И ва А товушларини таққослаш керак

2. Лаблар икки тарафга ўта тортилган, бу ҳолат томоқ мускулларининг қисқаришига олиб келади, натижада беўхшов товуш ҳосил бўлади.

Тузатиш: Ойна олдида тўғри артикуляцияси тушунтирилиб, и товуши у, о товушлари билан таққосланади.

3. Тил кераклича кўтарилмаган, э ҳолатигача кўтарилган.

Тузатиш: Ойна олдида оғизни очиб, тил букилганини кўрсатамиз ва тилни кўтариб-туширишга доир машқлар қилдирамиз. Баъзан А товуши билан И товушининг фарқини тушунтириш билан бу камчиликни осон тузатиш мумкин.

4. Тил учи пастки тишларга қадалмайди, балки биров орқага тортилади и ўрнига рус тилидаги ы товуши эшитилади.

Тузатиш: Ойна олдида тилнинг тўғри ҳолати тушунтирилади. и ва а товушлари таққосланади.

И товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1. А товушининг 1,2, 3,4, 5 – бандидагидек.

2. АИ АИ АИ АИ тил ва лаб ҳаракатининг аниқ артикуляциясига эришиш учун АИАИАИАИАИ деб ажратиб айтилади.

3. ИУА ИУА ИУА ИУА АУИ АУИ АУИ АУИ - тил ва лаб гимнастикаси.

Алоҳида-алоҳида гимнастика АУИ АУИ АУИ АУИ АУИ

4. Шу пайтгача ўтилган ундошлар билан ПИ ПИ ПИ ВИ ВИ ВИ КИ КИ КИ

2021/2/27 19:3

5. Худди ўша машқлар урғули ва урғусиз бўғинлар қаторида.
6. Бир нафасда бўғинлар қаторини санаш.

Э товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Оғиз бурчаклари сал орқага тортилган, оғиз а товушига нисбатан кичикроқ очилган.
2. Тишлар орасидаги вертикал масофа А товушига нисбатан кичикроқ 4-5мм.
3. а) тил учи пастки тишларга бориб тегади.
б) тил ўртаси кўтарилган, қайрилган.
в) тилнинг ёнлари юқори тишларга тегади.
4. Юмшоқ танглай кўтарилган.
5. Овоз пайчалари тебранади.
6. ЭНБ бола А товушига нисбатан торайган оғизни, қайрилган тилни кўради.
7. ЭНБ бола томоқ ва кўкракдаги тебранишини сезади.

Э товушини қўйиш

Э товуши икки хил усул билан қўйилади. А товуши ва И товушидан.

1. А товушидан қуйидагича қўйилади. Ўқитувчи тилнинг А ҳолатидан Э ҳолатига ўтишини ойна олдида кўрсатиб оғизнинг торайишини, тилнинг ясси ҳолатдан қайрилган ҳолатга ўтишини кўрсатади.

2. И товушидан аста-секинлик билан оғиз кенгайтирилади ва тил бўшаштирилиб, э товуши ҳосил қилинади. 2-усул самаралироқ ҳисобланади.

3. Товушини қўйиш унлилар қаторини айттиришдан бошланади. Аввал ИЕ ИЕ ИЕ ИЕ ИЕ

ИЕА ИЕА ИЕА ИЕА... деб айттирилади. Кейин ундошлар билан айттирилади.

ПИ ПЕ ПИ ПЕ ПИ ПЕ.... ВИ ВЕ ВИ ВЕ ВИ ВЕ ПИ ПЕ ПА
ПИ ПЕ ПА ПИ ПЕ ПА... ВИ ВЕ ВА ВИ ВЕ ВА ВИ ВЕ ВА....
ПИ ПЕ ПИ ПА ПИ ПЕ ПИ ПА ПИ ПЕ ПИ ПА....

Фақат шу машқлар ёрдамида Э товуши мустаҳкамлангандан кейин Э товуши ёпиқ бўғинда мустаҳкамлашга ўтилади.

Э товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Тил оғиздан чиқиб, пастки лабларга тегади, бу кўпол ҳолат бўлиб, талаффузни бузади.

Тузатиш. Ойна олдида тилни тишлар орқасида ушлаб туриш ўргатилади.

2. Тил етарли даражада кўтарилмайди ва А товушига яқин товуш ҳосил бўлади.

Тузатиш. Ойна олдида тилнинг букилишининг ҳар-хил даражалари кўрсатилади.

Тилнинг ўртаси ва илдизи кўтарилади.

ИЕ ИЕ ИЕ ... деб машқ қилдириб, аста-секинлик билан тилни кўтариб туширишга ўргатилади.

Э товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1. 1,2,3,4,5- бандлар худди А товушидек.

2. ИЕ ИЕ ИЕ ИЕ ва ажратиб ойна олдида И Е И Е И Е машқлари лаб ва тил артикуляциясининг дифференциацияси учун.

3. АЭ АИ АЭ АИ АЭ АИ... бирга ва алоҳида АЭАИАЭАИ А ЭА И... ААЭ ОИ АЭ ОИ УЭУИ бирга ва алоҳида.

3. Ундошлар билан ПЕ ПЕ ПЕ ТЕТЕТЕ...КЕКЕКЕКЕ... ПЕПА ПЕПА... ТЕТИ ТЕТИ...СЕСУ

СЕСУ...ТИТЕ ТИТЕ... ПИПЕПЕПЕ... НИНЕ НИНЕ..

5. Юқоридаги машқлар 1,2,3-бўғинда урғу билан.

6. Юқоридаги машқлар бир нафасдаги бўғинлар сонини санаш билан.

О товуши

Меъёрмадаги ҳолат

1. Лаблар айлана шаклида (думалокланган) ва биров олдинга чўзилган.

2. Тишлар лаблар билан тўсилади.

3. Тил илдизи биров юқорига кўтарилган.

4. Юмшоқ танглай кўтарилган.
5. Бурун йўллари ёпиқ.
6. ЭНБ бола думалоқланган лабларни, оғиз ичидаги тилнинг ҳолатини кўради.
7. ЭНБ бола кўкрак ва томоқдаги тебранишни, оғиздан чиқаётган илиқ ҳавони сезади.

О товушини қўйиш

О товуши ўқувчига А товуши қўйиб мустаҳкамлангандан кейин А товушидан қўйилади.

Па бўғинидан бошлаб қўйилади. ПА----ПО-----А-----О шаклида қўйилади.

Бунда ўқувчининг эътиборини лабларнинг ўзгариш ҳолатига қаратиш керак. Товуш ҳосил бўлгандан кейин мустаҳкамланади.

А—О— А—О— АО АО деб талаффуз қилинади. Бу пайтда лаблар ҳаракатини тўғрилигини кузатиш керак.

Ўтилган ундошлар билан машқлар бажарганда ўзидан кейинги унлига мослашишади (аккомадация дейилади) бунга бўғинли машқлар орқали эришилади.

ПОПОПОПО ТОТОТО ТОТО

О товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Лаблар думалоқланмаган, натижада о ўрнига а айтилади.

Тузатиш. Ойна олдида лаб гимнастикасини бажариш АО АО АО бармоқлар билан ўқувчи ўзининг лабларини шу ҳолатда ушлаб тура олмагунча машқ қилиш ва лабларни думалоқ шаклга келтириш керак.

2. Лаблар ортикча чўзилган о товуши ўрнига ў ёки у товуши айтилади.

Тузатиш. Ойна олдида лаб ҳолати кўрсатилиб, тушунтирилади. У----О У---О деб машқ қилдирилади.

3. Тил орқага ўта кўтарилиб кетган.

Тузатиш. Шпател ёрдамида ойна олдида тил ҳолати тўғриланади.

О товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1,2,3,4,5- машқлар худди А товушидек.

6. А ва О товушларини навбат билан лаб артикуляциясига аниқ амал қилиб айттириш.

7. ПАПО ПАПО ПА ПО бўғинлар қаторини айтиш.

8. Бўғинлар қаторини бир нафасда айтиш.

УНДОШ ТОВУШЛАР

Эслатма: нутқ тушунарли бўлиши учун унли ва ундош товушлар ўртасида маълум *мутаносиблик-пропорция* бўлиши лозим. Унли товушларнинг меъёрдан ортиқ жарангдорлиги (*гипервокализм дейилади*) ҳам, ундош товушларнинг меъёрдан ортиқ жарангдорлиги ҳам (*гиперсонантизм дейилади*) талаффуз равланлигига салбий таъсир кўрсатади. Гипервокализм кўпроқ эшитиш қолдиғи сақланиб қолган болаларда учрайди. Гиперсонантизм эса эшитиши йўқ ёки нутқи шаклланмай туриб эшитишини йўқотган болаларда учрайди. Бу камчиликларни бартараф этишнинг энг яхши усули-бўғинлар қатори устида ишлашдир.

Муомаладаги нутқда ҳар бир алоҳида товуш учун турғун ҳолат мавжуд эмас, ҳар бир товуш ўз атрофидаги товушга мослашади. Буни *аккомодация* дейилади. Буни сурдопедагог бир сония ҳам унутмаслиги лозим. Мослашув ўзидан кейинги унлига қараб бўлади, лекин У товуши ўзидан кейинги товушга ҳам таъсир қилади. *Масалан: сувоқ, тувак, товуш* сўзларида ўзидан кейинги ундошни ҳам лаблантиради.

II товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар жипслашган, пастки лаб юқори лабни эзади, ўзидан кейинги унлига қараб олдинга чўзилади (по - пу бўғинида) ёки тишлар тарафга тортилади (пи - пэ бўғинида).

2. Оғиз бурчаклари олдинга чўзилган (по-пу да) ёки икки тарафга чўзилган (пи- пэ да).

3. Тишлар орасидаги вертикал масофа кейинги унли ҳолатида (буни па-по-пу-пў-пе бўғинларини талаффуз қилдира туриб бармоқни пастки милклар четига қўйиб кўриб текшириш мумкин).

4. Тил талаффуз пайтида ўзидан кейинги унли ҳолатини олади. Буни бармоқни тишлар орасига олиб тилнинг олд қисмига қўйиб, юқоридаги бўғинларини талаффуз қилиб текшириш мумкин.

5. Юмшоқ танглай кўтарилган, ҳаво бурундан чиқмайди.

6. Овоз пайчалари тебранмайди.

7. Чиқаётган ҳаво босими кучли.

8. ЭНБ бола жипслашган лабларни ва уларнинг портлашини кўради.

9. Кафтининг орқа томонида портлаш ва илиқ ҳаво оқимини сезади.

II товушини қўйиш

Деярли ҳамма сурдопедагоглар талаффузни тузатиш бўйича ишни а ва п-товушидан бошлайдилар, чунки п-товуши идрок қилиш ва такрорлаш учун максимал имкониятларга эга. Товушни қўйиш осон кечади. Ўқувчи ўқитувчининг жипслашган лабларини уларнинг портлашини кўради. Қўлининг орқасида илиқ портлашни сезади ва қийинчиликсиз п товушини такрорлайди. II товуши талаффузидаги камчиликларнинг олдини олиш учун қўйидагиларга эътибор берилади.

Ўқитувчи лабларни ўта қаттиқ жипслаштирмаслиги, пастки жағни туширмаслиги, талаффузда нафасни қаттиқ чиқармаслиги ва товушни баланд талаффуз қилишга мажбур қилмаслиги лозим.

II товуши камчиликлари ва уларни бартараф этиш

1. Бола лабларни етарли даражада жипслаштира олмаслиги натижасида ҳавони ўтказиб юборади ва натижада Ф товуши ҳосил бўлади. Бу нуқсон кўпроқ касалманд болаларда учрайди.

Тузатиш. Ойна олдида лаблар жипслашиши ва очилишини кўрсатиш лозим. Пастки жағни сал тушириш керак. Бу ёрдам бермаса ўқувчининг лабини маҳкам жипслаштирилади, ўқувчининг қўли орқасига ёки қоғоз бўлагини оғиз олдида олиб келиб ҳаво узун оқим билан эмас, портлаб чиқишини кўрсатиш лозим.

2. Лаблар жуда қаттиқ жипслашган, бу ўқитувчининг хатосидан келиб чиқади. У ўқувчига артикуляцияни лабларини ўта қаттиқ жипслаштириб кўрсатган.

Тузатиш. Бунда ўқувчига лаблар салгина жипслашишини кўрсатиш лозим.

3. Тишлар қаттиқ жипслашган.

Тузатиш. Ойна олдида аввал қаттиқ жипслашган, кейин сал очик тишларни кўрсатиш лозим. Кейинги ҳолат билан лабларни ёпиш ва очиш керак. Агар кўрув идроки камлик қилса, механик усулдан фойдаланилади, тишлар орасига 2мм ли ёғоч пластинка қўйилади.

4. Пастки жағ п талаффузидан кейин пастга тушиб кетади ва сўз охири ва бўғин охирида и қўшилиб қолади. АП ўрнига АПИ, УП ўрнига УПИ ҳосил бўлади.

Тузатиш. Ойна олдида жағ ҳаракатсиз П П П деб талаффуз қилдириш керак. Ёпиқ бўғинларда лаб тўсиғи бир муддат ушлаб турилади кейин портлаш ҳосил қилинади. Портлаш қўлнинг орқасида сездирилади, қоғоз бўлағи ёки шамда кўрсатилади.

5. Лунжлар шишади.

Тузатиш. Ойна олдида лунжларнинг меъёрдаги ҳолати кўрсатилади. Ўқувчининг қўлини ўқитувчининг лунжларига қўйилади ва лунжлар шишиши ва меъёрдаги ҳолати сездирилади. Ўқувчи қўлининг орқасида шишган ва шишмаган лунжларда нафас кучини сездириш керак.

6. Тил орқага тортилади ва натижада ПХ- бирикмаси ҳосил бўдади.

Тузатиш. Шпатель ёрдамида ёки бармоқ ёрдамида тилнинг ўртаси босилади, ойна олдида оғизни очиб тилнинг меъёрдаги ҳолати кўрсатилади.

7. Овоз пайчалари тебранади, -п- ўрнига -б- ҳосил бўлади.

Тузатиш. Ўқувчининг қўлини ўқитувчининг кўкрагига қўйиб, овоз пайчалари тебранмаслиги сездирилади.

8. Чиқаётган ҳаво ёки жуда кучли ёки жуда кучсиз. (бу камчилик т, к товушларида ҳам кузатилади).

Тузатиш. Нафас кучини қўл кафтининг орқасида, қоғоз бўлағи ёки шамнинг алангасида кўрсатиш мумкин.

9. Портлаш ўрнига чапиллаш эшитилади.

Тузатиш. Пахта бўлағи, қоғоз парчасини пуфлаб портлашни кўрсатиш мумкин.

П товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1. П П П П П П ... аста-секин тезлаштирилади.

2. ПА.....ПАПАПА.....ПОПОПО.....ПАПАПА...

ПОПОПА ПОПАПОПА аста - секин кўпайтирамиз.

3. ПАПАПО....ПАПОПАПО.....ПАПЎПАПЎ аста-секин темпни тезлаштирамиз ва бошқа унлилар билан (агар ўқувчи шу унлиларни талаффуз қила олса). Бўғинлар сонига эътибор берилади.

4. ПАПАПАПА, ПАПАПАПА, ПАПЎПАПЎ аста-секин тезлаштирилади. Бир нафасда айтилган бўғинлар сонини санаш.

5. АПО.....АПО... ЎПЎ....АПО...АПЎ ва бошқа унли товушлар билан.

6. ПАПА ПАПА ПАПО ПАПО ва бошқа унли товушлар билан.

7. П товуши сўз боши, ўртаси, охирида-сўзлар билан. Сўзлар мазкур синфнинг нутқ материалидан олинган бўлиши лозим.

8. Ҳамма бўғинли машқлар аввал урғусиз кейин 1-2-3-бўғинда урғу билан айтилади.

9. Ҳамма бўғинли машқлар аввал секин, кейин тезлаштириб айтилади, бу мазкур товушни автоматлаштириш учун унли ва ундош товуш ўртасида мутаносиблик ҳосил қилиш учун муҳим.

10. Болаларни бир нафасда бўғинлар қаторини айтишга ундаб, нутқий нафасни шакллантирамиз.

11. П товушли расмлар ва гапларда айттириш.

Эслатма бир нафасда бўғинларни айттириб, ўпкадаги ҳавони ҳаммасини чиқариб юбормасликка эътибор бериш лозим.

Б товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар қаттиқ босимсиз бир-бирига ёпишган (бу айниқса шивирлаб талаффуз қилинганда билинади Пб, пб да) ўзидан кейинги унлига қараб лаблар ёки олдинга чўзилган (бо, бу да) ёки икки тарафга тортилган. (Би, бе да)

2. Оғиз бурчаклари ҳолати, тишлар орасидаги масофа, тил ва юмшоқ танглай ҳолати худди П товушидек.

3. Овоз пайчалари П товушидан фарқли равишда тебранади.

4. Чиқаётган ҳаво босими кучсиз.

5. ЭНБ бола жипслашган лабларни, *П* товушига нисбатан кучсизроқ портлашни кўради.

6. ЭНБ бола қўл кафтининг орқасида *П* товушига нисбатан кучсизроқ ҳаво урилишини сезади. Кўкраги ва томоғида тебранишни сезади.

Б товушини қўйиш

Б товушини *П* товушидан қўйиш камдан кам ҳолатда натижа беради. Агар бу товушни тақлид асосида қўйишнинг имкони бўлмаса, қўйидаги усул билан ҳосил қилинади.

1. Аввал бир-бирига яқинлаштирилган лаблар пуфланади.

2. Кейин унга овоз қўшилади ва **Б** товуши ҳосил бўлади. Унинг жаранглилиги лаблар ва томоқдан сезилади. Лаблар очилиб ёпилаётган пайтда ўқитувчи ўқувчининг пастки лаби тагига кўрсаткич бармоғини горизонтал қўйиб навбатма-навбат пастга ва юқорига ҳаракатлантиради. Аввал тез, кейин секинлаштириб ҳаракатлантиради. Ўқувчи мустақил равишда **Б** товушини талаффуз қила олмагунча бармоқдан фойдаланади.

Қўйилган товушни автоматлаштириш учун кўп марта бўғинли машқлардан фойдаланиш лозим.

Б товуши камчиликлари ва уларни тузатиш

Эслатма: *П* товушида учрайдиган камчиликлар **Б** товуши талаффузига ҳам таъсир қилади. Бу бўлимни ўқишдан олдин *П* товуши ҳақидаги бўлимни ўқиб чиқинг. Фақат **Б** товушига хос бўлган камчиликлар қуйидагилар.

1. Талаффузга унли қўшилиб қолади. *Масалан:* Ба бўғини ўрнига **Аба**, **БО** ўрнига **Обо** айтилади.

Тузатиш учун ойна олдида овоз фақат **Б** товуши портлашидан олдин чиқишини тушунтириб, ўқувчининг қўлини ўқитувчининг томоғига қўйилади **Б** нинг бурун талаффузини олдини олиш учун бир қанча муддат лунжлар шишишига рухсат этилади. Бунда ўқитувчининг лунжига ўқувчининг қўлини қўйиб тебраниш сездирилади.

2. Лунжлар товушни қўйишнинг илк даврида эмас, кейинчалик ҳам шишади.

Тузатиш. Ойна олдида шу товушли сўз ва бўғинлар талаффуз этилади. Ўқувчининг иккала бармоғини ўқитувчининг иккала лунжларига қўйиб тўғри артикуляция сездирилади.

3. Юмшоқ танглай тушади, натижада б ўрнига мп ёки мп эшитилади.

Тузатиш учун ўқувчининг кўрсаткич бармоғини ўқитувчининг бурнига қўйиб б товуши талаффузида бурунда тебраниш йўқлиги сездирилади. МБ талаффузида тебраниш борлиги сездирилади. Бурун қисилади, лунжлар шиширилади. Лунжлар шишиши ўқитувчининг юзларига ўқувчининг қўли қўйиб сездирилади. Кейинчалик аста-секин бурун қисилмай қўяди. Лекин лунжларни шиширишни фақат юмшоқ танглай тўғри ҳаракатга келганида олиб ташлаш лозим.

4. Овоз пайчалари тебранмайди. Б товуши ўрнига П эшитилади.

Тузатиш учун б товушини қўйишга оид қатор машқлар қилинади.

Б товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1. БББББ..... ББББББ.....ББББББББА..... ББББББББО.....
2. БАБАБА БОБОБОБО..... ва бошқа унли товушлар билан.
3. БАБО БАБОБАБО....ва бошқа унли товушлар билан.
4. АБА ОБО УБУ ва бошқа унли товушлар билан.
5. БАБОБУ БАБОБУ БАБОБУБИ ва бошқа унли товушлар қаторида.
6. БАБАБАБА БОБОБОБО урғули бўғинлар қаторида.
7. Сўз боши, сўз ўртасида.
- 8, 9, 10, 11 худди П товушидек.

М товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар енгил юмилган ва портламай очилади. Ўзидан кейинги товушга қараб Мо, Му бўғинида олдинга чўзилади ёки Ми, Ме бўғинида тишларда ёпишади.
2. Оғиз бурчаклари Мо, Му да олдинга тортилади ёки Ми, Ме да икки тарафга тортилади.

3. Тишлар орасидаги вертикал масофа ўзидан кейинги унлига қараб кенгаяди ёки тораяди.

4. Юмшоқ танглай туширилган ва ҳаво бурундан чиқади.

5. Ун пайчалари тебранади.

6. Бурундан кучсиз ҳаво чиқади.

7. ЭНБ бола босимсиз ёпилган лабларни, уларнинг портламай очилишини кўради.

8. ЭНБ бола бурундан чиқаётган илиқ кучсиз ҳавони сезади. Томоғи ва кўкракдаги тебранишни сезади. Бурундаги тебранишни ўқитувчи ҳеч қандай усул билан М товушининг талаффузига эриша олмагандагина сездириши мумкин.

М товушини қўйиш

М товуши юқори босимсиз ва керакли баландликда айтилиши учун уни унли товушдан қўйилгани маъқул. Ўқувчига тескари ОМ бўғини айттирилади, бу пайтда ўқувчи қўлини ўқитувчининг кўкрагига қўйиб О товушида ҳам М товушида ҳам тебраниш бир хиллиги сездирилади. Бармоқни бурунга қўйиб тебранишни сездириш тавсия этилмайди. Бу фальцет товушга олиб келади. М товуши тескари бўғинда мустаҳкамлангандан кейин унлилар орасида ва очик бўғинда мустаҳкамланади.

М товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. М товушининг МП ёки МБ айтиши ёки ёпиқ пинғилик.

Тузатиш. Бу камчиликда М товушини унлидан ажратиб М-----А М-----О М-----У М-----Ў деб талаффуз қилдирилади. Кейин ўртадаги пауза йўқотилиб МА МО МУ МЎ деб аста секинлик билан машқлар ёрдамида талаффуз қилдирилади. Баъзан бу камчиликни тузатиш учун ўқитувчининг қўл кафтининг орқасида М товушининг талаффузида портлаш йўқлигини сездириб, тушунтириш кифоя.

2. Лабни ўта қаттиқ жипслаштириш М товушининг нотўғри талаффузига олиб келади.

Тузатиш. Ойна олдида МА МА МА МА МАМАМАМА бўғин гимнастикасини аввал секин, кейин тезлаштириб машқ қилдирилади.

3. Тил орқа танглайга қаттиқ кўтарилган ва чапиллашга ўхшаш овоз чиқади, натижада беўхшов товуш ҳосил бўлади.

Тузатиш. Тил илдизи енгил босилиб, МА-----МА-----МА----- бўғини айттирилади. Ойна олдида оғизни очиб, тўғри ва нотўғри артикуляцияси кўрсатиб, тушунтирилади.

4. М товушини ўқувчи фалцет айтади, бунда ўқувчи м ни бурун орқали жуда кучли тебранишда айтади. Бу камчилик бурундан жуда кучли тебранишни сездирганда ҳосил бўлади.

Тузатиш. Ўқувчининг кўлини ўқитувчининг бурун қанотларига қўйиб жуда кучли тебраниш йўқлиги сездирилади.

5. М товуши ўрнига Б, Н, Д айтилади.

Тузатиш. Аввал лор шифокорига мурожаат этилади. Агар болада турли ўсмалар, аденоидлар йўқ бўлса, м товуши машқларда узоқ вақт талаффуз қилдирилади.

М товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1 ОМ-----УМ-----ва бошқа унлилар билан ҳам.

2 ОМО.. АМА... УМУ... ОМА... УМА... АМА...

3 МАМА ... МОМО... МУМУМУ... МЎМЎ... МАМО... МАМУ...

4 МАМА МАМЕ темпни тезлаштирамиз МАМАМА МАМАМАМАМА

5 Сўз охирида ва сўз бошида келган ҳолатларда.

6 Урғули ва урғусиз бўғинлар қаторида.

7 Расмлар ва гапларда мустаҳкамлаш.

8 9, 10, 11- машқлар худди П товушидек.

9

М, П, Б товушини фарқлаш учун машқлар

1. ПАБА ПАБАПАБА ПОБОПОБО ПОБОПОБО

БАПАБАПАБАПА БОПОБОПОБОПО

2. ПАБОПАБУ ПАБОПАБУ ПАБЕПАБИ

БАМА----- БАМА БАМО БАМО

3. ПАБАМА ПОБОМО 1,2, 3- бўғинларда урғу билан

4. Мазкур синфнинг нутқ материалидан П, Б, М товушларига оид сўзларни ўқиш.

Эслатма: аниқ фарқлашга эришиш учун ўхшаш товушли бўғин, сўзларни ёзма ҳолда кўрсатиш лозим.

Ф товуши

Меъёрмадаги ҳолат

1. Лаблар: Пастки лаб юқори тишларига ёпишган, улар орасида кичик ариқча ҳосил бўлади. Шу ариқчадан ҳаво чиқади.

Юқори лаб енгил кўтарилган ФО-ФУ да олдинроққа чўзилган. Фи-фе да икки четга тортилган.

2. Юқори тишлар очик пастки тишлар пастки лаб билан ёпилган.

3. Тил ўзидан кейинги унли ҳолатини олади.

4. Юмшоқ танглай кўтарилган овоз пайчалари тебранмайди, чиқаётган ҳаво босими кучли.

6. ЭНБ бола пастга қараб йўналган совуқ ҳаво оқимини сезади.

7. ЭНБ бола юқори тишларга ёпишган пастки лабни ва очик юқори тишларни кўради.

Ф товуши мустаҳкамлангунча чўзиб айтиб турилади.

Ф товушини қўйиш

1. Таклид орқали қўйилади.

2. Агар таклид орқали ф товуши ҳосил бўлмаса, иккала лаб бирлаштирилиб пуфланади. Шу вақтда юқори лаб кўтарилса пастки лаб ўз-ўзидан юқориги тишларга ёпишади ва Ф товуши ҳосил бўлади. Агар бу усул натижа бермаса пастки лабни юқорига кўтариш малакаси ҳосил бўлгунча пастки лабни юқорига кўтариш керак. Кинестеник сезгидан ташқари кўрув сезгисидан фойдаланиш лозим.

Ф товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Пастки лаб юқори тишга ёпишмайди, фақат юқори лабларга қўйилади, натижада фақат пуфлаш эшитилади.

Тузатиш. Ойна олдида лаб машқларини бажариш керак. Агар ойна олдидаги машқлар ёрдам бермаса, механик усулдан фойдаланиш мумкин. Битта қўл билан ўқувчининг юқори лабини кўтариш, иккинчиси билан пастки лабини юқори тишларга кўтариш керак ва Ф товушини тўғри талаффуз қилгунча шу ҳолатда айттириш лозим.

2. Пастки лаб юқори тишларга қаттиқ ёпишади. Бунда Ф товуши ўрнига П товуши эшитилади.

Бу камчилик кўпинча жағ прогнатиясида учрайди

Тузатиш. Ўқувчи кўлнинг орқа қисмида П товушидаги портлаш билан Ф товушидаги ҳаво оқими ўртасидаги фарқ сездирилади. Ойна олдида юқори тишлар ва пастки лаб орасидаги ёриқча борлиги кўрсатилади. Агар бу усул ёрдам бермаса, пастки лабнинг ўртасига енгил босиб шу ёрикни ҳосил қилиш керак. Буни ойна олдида мустаҳкамлаш керак.

3. Чиқаётган ҳаво оғизнинг ўртасидан эмас чап ёки ўнг бурчакларидан чиқади.

Тузатиш. Агар шифокор ёрдами керак бўлмаса, оғиз бурчаклари бармоқ билан эзилиб турилади.

3. Тил пастки лаб босими остида эзилади ва юмшоқ Ф ҳосил бўлади.

Тузатиш. Бунда зонд орқали тил босилади. Бармоқ ёки шпателдан фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки лаблар ҳаракати бунга ҳалақит беради.

Ф товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1 Ф ----- ФФФФФФ.

2 Ф -----А Ф -----А

3 Ф -----О Ф -----О

4 Ф -----У Ф -----у ва бошқа унлилар билан.

5 ФАФАФА ФОФОФО ФУФУФУ ФЎФЎФЎ

6 ФА-ФА-ФА ва бошқа унлилар билан

7 АФ-АФ-АФ ва бошқа унлилар билан

8 Ф товушини сўз боши, сўз ўртаси ва сўз охирида келган ҳолатида.

9,10-бандлар худди П товушидек.

С товуши

Меъёрмадаги ҳолат

1. Лаблар тишларга енгил ёпишган, айниқса Си, СЭ бўғинида СО СУ бўғинларида улар думалок.

2. Оғиз бурчаклари икки тарафга тортилган, тортилиш даражаси ўзидан кейинги унлига қараб.

3. Тишлар орасидаги вертикал масофа: тишлар **си, сз, са** бўғинларида очик, **со су** бўғинларида деярли лаблар билан тўсилган.

4. Тил: учи пастки тишларга ёпишган, ўртаси букилган, юқори тиш алвеолалари ва тил орасида ариқча ҳосил бўлади, ўпкадан чиқаётган ҳаво шу ариқчадан сирғалиб чиқади. Тилнинг икки ёни юқори илдиз тишларга ёпишиб, оғиздан чиқаётган ҳавони тилнинг икки ёнидан чиқиб кетмаслигини таъминлайди.

5. Юмшоқ танглай кўтарилган.

6. Овоз пайчалари тебранмайди.

7. Чиқаётган ҳаво босими кучли.

8. ЭНБ бола ўзидан кейинги унлига қараб яқинлашган ёки бири-бирига ёпишган тишларни кўради.

9. ЭНБ бола пастга йўналган совуқ ҳаво оқимини сезади.

С товушини кўйиш

С товушини тақлид орқали кўйиш яхши натижа бермайди. Фақат тишлар ҳолатини кўриш бу товушни тўғри талаффуз қилиш учун етарли эмас. Ўқувчига энг асосийси - тишлар орқасидаги тил ҳолати кўринмайди. Шунинг учун ўқувчига оғизни очиб, тилнинг ҳолатини кўрсатиш лозим. Унда болага тил кўтарилиб, букилганини, тилнинг ўртасида ариқча ҳосил бўлишини, тил учи пастки тишларга тегиб туришини кўрсатиш лозим.

Бошқа усули:

1. Аввал тилни лаблар орасига олиб пуфланади.

2. Тилнинг ўртасида ариқча ҳосил қилинади, бу ердан ҳаво оқими сирғалиб чиқади. Бу ҳолат мустаҳкамлангандан кейин лаблар тортилади. Тил тиш орасида қолади ва чиқаётган ҳаво тишаро **С** ни ҳосил қилади. Бу ҳолат мустаҳкамлангандан кейин тил штапель, зонд ёрдамида ёки механик усулсиз тишлар орқасига олинади ва **С** товуши машқлар ёрдамида мустаҳкамланади.

С товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

Эшитувчи болалар билан солиштирганда ЭНБ болаларда ҳамма сигматизм турлари учрамайди (*сигматизм - сирғалувчи товушларда учрайдиган камчиликлар*)

Масалан: ЭНБ болаларда тишаро сигматизм учрамайди.

ЭНБ болаларда тил ҳолати тиш орқасидан кўринмаслигидан келиб чиқадиган камчиликлар мавжуд.

1. Лаблар ва оғиз бурчаклари икки ёнга шундай тортиладики, нотабий кўриниш, гримаса келиб чиқади.

Тузатиш: ойна олдида тўғри ҳолат тушунтирилади.

2. Тишлар С товушини ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун С товуши камчилигида тишлар ҳолатини текшириши керак. Тишларнинг нотўғри жойлашиши, етишмаслиги, очик ёки ён прикус С товушининг нотўғри талаффузига олиб келади. Очик олд прикусда шипилловчи сигматизм билан қониқиб турилади. Тишлар алмашаётган пайтда, олд тишлар тушган вақтда С товушини тўғри талаффуз қилиб бўлмайди.

Тузатиш. Бу пайтда тилнинг тўғри артикуляциясини тушунтириш муҳим.

3. Жағ ҳолати С товушини ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди.

Прогнатия – юқори жағ пастки жағдан сезиларли даражада чиқиб туради. **Прогения** – пастки жағ олдида сезиларли чиқиб туради. Бу камчиликлар ҳам С товуши талаффузида сезиларли таъсир қилади.

Тузатиш. Бундай пайтларда врач ёрдамнинг кераги бўлмаса, тил артикуляциясини мослаштириш лозим.

4. Тил ўртасидаги ариқча ҳосил қилмайди, торайиб, олд танглайга ёпишади. Натижада ҳаво тилнинг икки ёнидан чиқиб кетади. (ён сигматизм)

Тузатиш: Тилни икки лаб орасига олиб, кенг ёйиб пуфланади. Бунда ўз-ўзидан тил ўртасида ёриқ ҳосил бўлади. Кейин бармоқ билан лаб олиб ташланади ва тишаро С га ўтилади. Бу ҳолат мустаҳкамланганидан кейин аста-секин тил тиш орқасига олинади. Тилни тишлар орқасига олишга шошмаслик керак, бу ён сигматизмини келтириб чиқариши мумкин. Баъзан зонддан фойдаланиш яхши самара беради. Тил учи зонд билан босилади ва тил ўртасидаги ариқча механик усул билан ҳосил қилинади.

5. Тил ёни жуда кам букилган ёки букилмаган, натижада С товуши ўрнига оддий нафас чиқарилади.

Тузатиш учун ойна олдида тилни букиб, ёйиб машқ қилдирамиз. Бу гимнастика ўқувчи тилини хоҳлаганча эгиб ёя олгунча давом эттирилади. Шундан кейин тилнинг С ҳолатидаги меъёрдаги артикуляцияси кўрсатилади. Ўқувчига кўлининг

орқасида тилнинг ўртасидан ингичка совуқ ҳаво оқими чиқиши сездирилади. Баъзан механик усулдан фойдаланиш мумкин: пастдан тилнинг ўрта ва илдиз қисми босилади. Буни жуда эҳтиёткорлик билан қилиш керак, ўқувчи оғриқни сезмаслиги лозим.

6. Тилнинг учи пастки тишларга тиралмасдан ҳавонинг бемалол чиқишига ҳалал беради. С товуши ўрнига оддийгина шовқин эшитилади. Баъзан С ўрнига Т эшитилади. Бу камчилик кўпгина ЭНБ болаларга хос.

Тиш орқа сигматизм кўпинча ўқитувчи артикуляцияни кўрсатаётганида пастки тишлар билан юқори тишларни тенглаштириб кўрсатганидан келиб чиқади (меъёрга ҳолатда юқори тишлар пастки тишлардан биров олдинга чиқиб туради)

Тузатиш. Ойна олдида пастки жағни олдинга чиқармаслик тушунтирилади. Ўрта катталиқдаги тўқув спицаси ёки зонд билан тил учини босамиз. Ўқувчи ўз имкониятларига қараб бир қанча муддатда тилни шу ҳолатда ушлаб туришга ўрганади.

7. Жаранглиланиш: С нинг ўрнига З ни айтилиши.

Тузатиш учун ўқувчига ўқитувчининг томоғидан С товуши талаффузида тебраниш йўқлиги тушунтирилади. Қўл кафтининг орқасида кучли нафасни сездириш ҳам жаранглиланишга мойилликни йўқотади.

8. Чиқаётган ҳаво оқими жуда кучсиз С жуда кучсиз эшитилади.

Тузатиш учун ЭНБ болада кучли нафас чиқариш устида ишлаш керак.

9. Ўқувчи С товушини сўз бошида очик бўғинларда СТ ҳолида талаффуз қилса С товушини чўзиб талаффуз қилиши керак. Масалан: салом сўзини СТАЛОМ деб талаффуз қилса, С-----АЛОМ деб машқ қилиш керак.

С товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1. С-----

2 С-----А С-----У С-----И СА СУ СИ

3 АС----- УС----- ИС----- АС УС ИС

4 АС-----А УС-----У ИС-----И АСА УСУ

ИСИ

5 СА САСА... СОСОСО... СИСИСИ...

- 6 С товуши 1- 2- 3- ургули бўғинларда
- 7 С товуши сўз боши, сўз ўртаси ва охирида.
- 8, 9, 10, 11- машқлар худди П товушидек.

3 товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар, оғиз бурчаклари, тишлар орасидаги вертикал ҳолат, тил ва юмшоқ танглай С товушидек.
2. Овоз пайчалари тебранади.
3. Чиқаётган ҳаво босими С товушига нисбатан кучсизроқ. Чунки тебранаётган овоз пайчалари С товушига нисбатан ҳавони камроқ чиқаради.
4. ЭНБ бола С товуши талаффузидаги ҳолатни кўради.
5. ЭНБ бола совуқ ҳаво оқимини сезади, томоқ ва кўкракдаги тебранишни сезади.

3 товушини қўйиш

3 товуши С товуши базасида қўйилади. С товуши артикуляциясини кўрсатиб туриб, кўкрак ва томоқдаги тебранишни ўқувчига сездириб 3 товуши қўйилади. Агар товуш қўяётган дастлабки пайтда ўқитувчи ўқувчининг бир қўлини томоқдаги тебранишни сездириб иккинчи қўлида оғиздан чиқаётган ҳаво оқимини сездирса, товуш камчиликлари камроқ бўлади.

3 товуши камчиликлари ва уларни тузатиш

С товушининг нотўғри талаффузи 3 товушининг нотўғри талаффузига олиб келади. С товуши 3 товушини тузатиш учун база ҳисобланади.

Фақат 3 товушига хос камчилик иккита:

1. Тил етарли даражада кўтарилмаган. 3 ўрнига И эшитилади.
- Тузатиш учун тил учини пастдан зонд ёрдамида кўтариш керак ёки кучли нафас ёрдамида бутун тилга хос бўлган майда тебранишни сездириш керак. Бу пайтда ўқитувчининг оғзи ва томоғида бир вақтнинг ўзида ҳам нафас кучини ҳам овозини сездириш керак.

2. Овоз пайчалари тебранмайди, натижада 3 ўрнига С эшитилади.

Тузатиш учун ўқувчининг кўлини ўқитувчининг томоғига қўйиб навбатма-навбат С ва 3 товуши айттирилади. Бу пайтда ўқувчига С ва 3 товушлари ёзилган карточка кўрсатилади.

3 товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

- 1 3-----
- 2 3-----А 3-----Ў 3-----И ЗА ЗУ ЗИ
- 3 АЗ----- УЗ----- ИЗ----- АЗ УЗ ИЗ
- 4 АЗ-----А УЗ-----У ИЗ-----И АЗА УЗУ ИЗИ
- 5 3 товуши 1- 2- 3- бўғинларда урғу билан.
- 6 3 товуши сўз боши, сўз ўртасида. Сўз охирида з – с айтилади.
- 7 3 товуши расмларда.
- 8, 9, 10, 11- машқлар худди П товушидек

Т товуши

Меъёрадаги ҳолат

1. Лаблар ва оғиз бурчаклари ўзидан кейинги унли товушга қараб (ТО ТУ да) олдинга чўччайган ёки (ТЕ ТИ да) четга тортилган.

2. Тиш орасидаги вертикал ҳолат 2-3мм.

3. Пастки жағ портлаш билан сал пастга тушади.

4. Тилнинг олдинги учи ТА ТО ТУ бўғинларда юқориги тишларга ёпишган, ҳаво оқими портлаб чиқади.

5. ТИ ТУ ТЯ бўғинларида тил учи пастки тишларга келиб урилади. Бу ҳолатда Т товуши тилнинг олд қисмида ҳосил бўлади.

6. Юмшоқ танглай кўтарилган.

7. Ун пайлари тебранмайди, чиқаётган ҳаво оқими кучли.

8. ЭНБ бола тишлар орқасидаги тил ҳолатини кўради.

9. ЭНБ бола оғиздан чиқаётган ҳаво оқимини кўл кафтининг орқасида сезади.

Т товушини қўйиш

1-усул. Кўпчилик ЭНБ болалар ойна олдида Т товушини таклид орқали тўғри талаффуз қила оладилар. Агар ўқувчи таклид усули орқали Т товушини ҳосил қила олмаса ПА ТА ТА деб айттириб т товуши қўйилади.

2-усул. П товушини талаффуз қилдираётиб тилни лаблар орасига олинади, лабаро Т ҳосил қилинади, кейин тилни бармоқ билан сал орқага итариб, олиб тишаро т ҳосил қилинади. Аста – секин тил тишлар орқасига олинади.

2 - усул. Лабаро Т ни талаффуз қила туриб пастки лабни пастга туширсак, т га ўхшаш товуш ҳосил бўлади. Бундан кейин тилни тишлар орқасига олиниб, тўғри талаффуз ҳосил қилинади. Албатта бу иш ойна олдида бажарилиши шарт. Оғиздан чиқаётган портлашни қўл кафтининг орқаси ёки оғиз олдида қўйилган қоғоз парчаси, енгил мато ёрдамида сездириш мумкин.

Т товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш усуллари

1. Тишлар бир –бирига маҳкам тегиб туради.

Тузатиш. Ойна олдида тўғри талаффуз ҳолатини кўрсатиш керак.

2. Тиш ораси узоққа ажралган ёки жағ пастга тушиб кетган. Бу кейинги товуш билан боғланишга ҳалақит беради.

Тузатиш учун ойна олдида жағнинг тўғри ҳаракатини кўрсатиб, ўқитувчининг жағи ёрдамида меъёрдаги ва нотўғри ҳолатни кўрсатиш лозим.

3. Тил тишлар орасига кириб қолади. Дастлабки пайтда бу кўпол камчилик ҳисобланмайди. Лекин аста –секин тилни юқори тишларга теккизишни ўрганиш керак. Товушнинг тўғри ҳолати ойна олдида кўрсатилади.

4. Тил тўсиқ эмас, торайиш ҳосил қилади. Натижада С ёки ингилизча З га ўхшаш товуш эшитилади.

Тузатиш. Ўқувчини кўлининг орқасига портлаб ва сирғалиб чиқаётган ҳавонинг фарқини сездириш лозим. Портлашни П товушига ўхшашлигини тушунтириш керак. Агар бу усул ёрдам бермаса ўқувчининг тилини лаблар орасига олиб тиш аро Т ҳосил қилинади. Ўқувчида бу малака ҳосил бўлгандан кейин Т нинг меъёрдаги ҳолатига қайтиш мумкин.

5 Тил портлашни учи билан эмас ёнлари билан ҳосил қилади. Тилнинг учи ўз ўрнида қолади, ТЛЪ товуш бирикмаси ҳосил қилади.

Тузатиш. Ойна олдида 4- банддагидек машқлар бажарилади.

6. Тил соф унлиларни талаффуз қилганда учи билан эмас ўртаси билан ҳаракат қилади. Натижада ТА ўрнига ТЯ, ТО ўрнига ТЁ ҳосил бўлади.

Тузатиш учун ойна олдида тишаро Т ҳосил қилиб кейин тўғри Т товушига ўтиш керак.

7. Жаранглиланиши. Т товуши ўрнига Д товуши айтилиши.

Тузатиш учун ўқувчининг кўлини ўқитувчининг томоғига қўйиб овоз пайчаларидаги тебраниш тушунтирилади.

8. Ҳаво портлаб ташқарига чиқмасдан ичкарига сурилади, натижада чапиллашга ўхшаш товуш чиқади.

Тузатиш учун қоғоз парчасини пуфлаш орқали портлашни кўрсатиш лозим.

Т товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1 Т---Т---Т Т Т Т.....

2 ТА ТО ТУ ТАТАТА ТОТОТО ТУТУТУ ва бошқа
унли товушлар билан агар ўқувчида бўлса.

4 ТАТО ТАТО ТАТОТАТО

5 ТАТУТАТУ ТА ТУ ТА ТУ

6 АТА ОТО УТУ ЎТЎ

7 АТАТ АТ ОТОТОТ УТУТУТ ЎТЎТЎТ ЭТЭТЭТ

8 Т товуши сўз боши сўз ўртаси ва сўз охирида келган ҳолатда

9, 10, 11—худди П товушидек.

Д товуши

Меъёردаги ҳолат

1. Лаблар, оғиз бурчаклари, тишлар орасидаги масофа худди Т товушидек.

2. Овоз пайчалари тебранади, товуш жарангли.

3. Чиқаётган ҳаво босими Т товушига нисбатан кучсизроқ.
3 товуши билан солиштиринг.

4. ЭНБ бола худди Т товушидек нутқ органи ҳолатини кўради.

5. ЭНБ бола Т товушига нисбатан кучсизроқ портлашни сезади, томоқдаги ва кўкрак қафасидаги тебранишни сезади.

Д товушини қўйиш

1. Д товушини Т товушидан қўйиш ҳар доим ҳам самарали бўлмайди. Д товушини Б товушидан қўйиш яхшироқ натижа беради. Агар Б товуши аниқ равон қўйилган бўлса Д товушини қуйидагича қўйиш мумкин. БА БА БА БА ДА ДА ДА ДА деб талаффуз қилинади. Бунда бўғинларни айта туриб ўқувчи овозни жарангланишини назорат қилиб туради. Кўпинча инерция кучи орқали Б товушли бўғинлардан кейин Д товушнинг тўғри талаффузи келиб чиқади. БАБАБАБАДАДАДАДА деб бўғинларни алмаштириш мумкин.

2. Агар товуш эшитиб кўриш орқали ҳосил бўлмаса қуйидаги усулдан фойдаланиш мумкин. Ўқувчининг қўлини томоғига қўйиб, ДА бўғинини ва АДА сўзини айттиради.

3. Ўқувчи Д товушини сал чўзиброк талаффуз қилади. ТА-----ДА бўғинлари ёзувини кўрсатиб, аввал ТА бўғинини кейин ДА бўғинини талаффуз қилдириш мумкин. Ўқувчи ДА бўғинини тўғри айтса АДА бўғини ва бошқа сўзларга ўтиш мумкин. Бу кўрсатилган усул натижа бермаса, бошқа усулдан фойдаланиш мумкин. Тил текис ҳолда лаблар орасига олинади. БАБАБА бўғини айтилади ва Б га ҳам Д га ўхшаш товуш ҳосил бўлади. вақтинчалик бу товуш Д товушни ўрнини босади. Бу товушни ҳар-ҳил унлилар билан айттириш мумкин. Кейинчалик Д товушнинг меъёрдаги ҳолатига ўтилади. Бунинг учун ўқувчи лабаро Д ни айтаётганда ўқувчини юқори лабини кўтариб қўйиш керак. Тил автоматик равишда юқори тишларга бориб ёпишади ва тишаро Д ҳосил бўлади.

Д товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш усуллари

Т товушидаги камчиликлардан ташқари. Бу бўлимни ўқишдан аввал Б товуши ҳақидаги бўлим билан танишиб чиқинг.

1. Тиш орасига унли А товуши кириб қолади. Бунда ДОН сўзи ўрнига АДОН сўзи талаффуз қилинади.

Тузатиш. Б товушининг 1- бандида тузатгандай тузатилади. Ойна олдида бу товушни очик оғизда эмас ёпик оғиз билан талаффуз қилишни тушунтириш керак. Ойна олдида бир неча машқларни бажариш орқали тўғрилаб борилади. Масалан БА ДА БА ДА БА ДА БА ДА

2 Овознинг йўқлиги яъни Д ўрнига Т айтилади.

Тузатиш. Б товушини тўғри қўйилишига тўхталиб ўқувчи жарангли Д ни инерция орқали ҳосил қилади. Масалан БАДА БАДА БАДА

3. НД НТ товушли бирикма ҳосил бўлса.

Тузатиш. Б товушли камчиликларни 3-бандига қараб тузатиш мумкин.

Д товушни мустаҳкамлаш учун машқлар.

1 дддд... ддддда....ддддо...

2 да до дў ди дадада дододо дудуду дўдўдў

3 ада одо уду ўдў

4 дададада додододо дудудуду

5 бошқа унли товушлар билан бўғинлар каторини айтишда артикуляцияни ўзгаришига эътибор беринг.

6 Ёпик бўғинлар каторида. АД ОД УД ЎД

7 Сўз боши, сўз ўртасида.

8 9, 10, 11- пунктлар худди П товушидек.

В товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар, тишлар ва тил худди Ф товушидек.
2. Овоз пайчалари тебранади. Товуш жарангли.
3. Чиқаётган ҳаво босими Ф товушига нисбатан кучсизрок.
4. ЭНБ бола худди Ф товушидаги ҳолатни кўради, аммо пастки лаб босими В товушида Ф товушига нисбатан камрок.
5. ЭНБ бола томоқдаги тебранишни сезади.

Эслатма: В товуши ўзидан олдинги у товуши таъсирида лабланади: Ойна олдида таққосланг: сават - сувоқ, савол - зувала.

В товушини кўйиш

В товуши Ф товушидек кўйилади. ЭНБ болага томоқдаги ва кўкракдаги тебранишни кўрсатиб сездирилади.

Жарангсизланиши: В товушини Ф айтилиши: Ўқувчининг биринчи кўлини ўқитувчининг томоғига, иккинчисини ўзининг томоғига кўйиб в товушидаги тебраниш сездирилади.

В товушидаги камчиликлар ва уларни тузатиш

Ф товушида кўрсатиб ўтилган камчиликлардан ташқари в товушида қуйидаги камчиликлар учрайди:

1. В товушининг бурун талаффузи - пинғилик.

Тузатиш. 1- усул. Ўқувчининг кўлининг орқасида ўқитувчининг оғзидан чиқаётган ҳаво сездирилади. Бу пайтда оғиз олдида ойнача ушлаб турилса ҳам бўлади. бунда ойна хиралашиб қолади

2- усул. Ўқувчининг кўлини бир ўқитувчининг бурнига, бир ўзининг бурнига кўйиб, ўқитувчининг бурнида в товушини талаффузида тебраниш йўқлигини тушунтириб сездирилади. Баъзан в товуши ф + овоз эканини тушунтириш кифоя.

В товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1. Ф-----ФФФФ..

В-----ВВВВ..

2. Ф-----А Ф-----О Ф-----Ў

В-----А В-----О В-----Ў

3. ФАФАФАФА ФОФОФОФО

4. ВАВАВАВА ВООВООВО урғули бўғинлар қаторида.

5. ФАФОФАФО ФАФОФУФАФОФУ

6. В товуши ёпиқ бўғинлар қаторида.

7. В товуши сўз боши, сўз ўртаси ва сўз охирида.

8, 9, 10 11—бандлар худди П товушидек.

Н товуши

Меъёлдаги ҳолат

1. Лаблар ҳолати кейинги товушга боғлиқ.
2. Тил дастлаб ўзининг олд қисми билан юқори тишларга бориб бирикади, тилнинг ёнлари юқори озик тишларга бориб тегади, кейин ажралиш ҳосил бўлади, лекин т, д товушларидан фарқли равишда тил портламай ажралади.
3. Юмшоқ танглай туширилган, ҳаво оқими бурундан чиқади.
4. Овоз пайчалари тебранади.
5. ЭНБ бола тил ва лаблар ҳолатини кўриши мумкин.
6. ЭНБ бола томоқ, кўкрак ва бурундаги тебранишни сезиш мумкин.

Н товушини қўйиш

Худди М товушини қўйгандек ёпик бўғиндан қўйилади. АН деб талаффуз қилинади ва ҳавони бурундан ўтиши, бурун канотлари тебранишига ўқувчининг эътибори қаратилади.

Н товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Тил тишга қаттиқ ёпишган ва натижада жуда узун келиб чиқади.

Тузатиш. Ойна олдида НА НА НО НОдеб аввал секин, кейин темпни тезлаштириб талаффуз этилади.

2. Ёпик пинғилик - н ўрнига т ёки д ёки нт ва нд айтилади.

Тузатиш. Бу ҳолатда ёпик пинғилик м товушида ҳам кузатилмаётгани текширилади. Агар м товушида камчилик бўлса, аввал м товуши тузатилади, кейин н товушини тузатишга ўтилади.

Тузатиш қуйидагича амалга оширилади. Ўқитувчи ўқувчига н товушини чўзиб айтишни таклиф қилади. Бунда ўқувчи эътиборини м товушини талаффузида ҳосил бўладиган бурундаги тебранишга қаратади. Ўқувчига н товушини эшиттиради. Кейин ўқитувчи н товушини чўзиб айтади, артикуляциясини кўрсатиб бурундаги тебранишни сездирди. Н товуши ҳосил бўлгандан кейин бўғинларга ўтиш мумкин. Аввал ёпик бўғинларда кейин очик бўғинларда мустаҳкамланади. Бу пайтда н товушини чўзиброк

айттириш керак. Очик бўғинга ўтаётиб тил ва тиш орасидаги тўсикни очишда иложи борича юмшоқ ҳаракатни кўрсатиш керак, акс ҳолда на бўғинига т товуши қўшилиб қолади. Агар шу усулдан кейин ҳам на бўғинига д ёки т товуши қўшилиб қолаверса, эшитиш қолдиғига таяниб тўғри ва нотўғри талаффузини солиштириш керак.

НА----НДА

НА-----НТА

Бу усул ҳам натижа бермаса, ўқитувчи н ҳарфини ёзади ва н товушини бурундаги тебранишни сездириб, талаффуз қилдиради. Кейин а ҳарфини ёзади ва а товушини талаффуз қилдиради. Гоҳ у , гоҳ бу товушни кўрсатиб, кўп маротаба пауза билан ажратиб талаффуз қилишини таклиф этади. Иккала товуш ҳам чўзиб айтилади. Охирида иккала ҳарф бирга ёзилади ва ма бўғини ҳолида талаффуз қилинади. Камчиликни тузатишнинг ҳеч иложи бўлмай, ўқувчи фақат оғзи билан нафас олса ва чиқарса отолоринголог шифокорига мурожаат қилинади.

3. Тил учи билан тишлар орқасига, ўртаси билан юмшоқ танглайга бирикади, натижада ёқимсиз товуш ҳосил бўлади.

Тузатиш. Лаблар орасига зонд, бармоқ ёки шпателни солиб тил орқаси енгил ёзилади ва на бўғини айттирилади. Ойна олдида оғизни очиб товушни тўғри ва нотўғри талаффузи кўрсатилади. Тишлараро н товушини ҳам қўллаш мумкин, кейин тилнинг меъёридаги ҳолатига ўтилади.

3 . Н ўрнига л товуши талаффуз этилади. Бунда ўпкадан чиқаётган ҳаво тилнинг ёнларидан ўтиб кетади. Юмшоқ танглай кўтарилган ва ҳавони оғиздан ўтказди.

Тузатиш. Ойна олдида тилни тишлар орасига олиб тишаро н товуши ҳосил қилинади, товуш очик ва ёпиқ бўғинларда мустаҳкамланади. Тишаро н мустаҳкамлангандан кейин тил тиш орқасига олиниб, меъёрдаги ҳолат мустаҳкамланади.

4 . Н жуда баланд талаффуз қилинади.

Тузатиш. Ўқитувчи м ни чўзиб талаффуз қилади, ўқувчининг эътиборини кўпроқ овозга, кўкрак қафасидаги тебранишга қаратади, овозни узмасдан лабларни очади ва н товушини талаффуз қилади. Бундай усулда ўқувчилар осонлик билан овознинг меъёрдаги ҳолатини ўзлаштирадilar.

Н товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1. АН----- ОН----- УН -----ва бошқа унлилар билан чўзиб айтилади.

АН ОН УН Н товуши қисқа

2 АНА ОНО УНУ УНЎ.....

3 АНА АНУ АНЎ.....

4 НАНАНАНА ва бошқа унлилар билан аста-секин тепни тезлаштириб НАНО НАНО НАНЎ НАНЎ бўғинларини талаффуз қилади.

5 НАНА НОНО НАНОНАНО НАНАНА НОНОНО НАНОНАНОНАНО ва бошқа унлилар билан.

6 Н товуши сўзнинг бошида, ўртасида, охирида келган ҳолати.

7. П товушини мустаҳкамлашдаги машқлар қаторининг 8, 9, 10, 11-бандлари.

Л товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар, оғиз бурчакларининг ҳолати ўзидан кейинги унли товушга боғлиқ бўлади.

2. Тилнинг учи кўтарилган ва юқори тишларга бориб ёпишади. Тилнинг икки ёни ёки бир ёни очик бўлади ва ўпкадан келаётган ҳаво тилнинг ёнларидан чиқади. Тилнинг илдизи кўтарилган. Тил эгар шаклида.

3. Юмшоқ танглай кўтарилган.

4. Овоз пайчалари худди унлилар ҳолатидек тебранади.

5. ЭНБ бола тил учининг ҳолатини кўриши мумкин.

6. ЭНБ бола тилнинг ёнларидан чиқаётган кучсиз ҳаво оқимини, томоқдаги ва кўкрак қафасидаги тебранишни сезиши мумкин.

Л товушини қўйиш

1. Кўпинча тайёрлов синфларнинг тайёрлов машқларида л товуши ҳосил бўлади. Эшитиб кўриш орқали ойна олдида ҳам ЛА—ТА ёзувини кўрсатиб талаффуз этилади. Овоз кучайтирувчи

аппаратлар ёрдамида, тақлид асосида ҳам қўйиш мумкин. Агар эшитиб кўриш орқали товушни қўйишнинг имкони бўлмаса, оғизни қаттароқ очиб л товушини артикуляцияси кўрсатилади.

Ўқувчига оғиздан чиқаётган ҳавони ва томоқдаги тебранишни сездирилади.

2. Л товушини тишаро ҳам қўйиш мумкин. Бунда тилни тишлар орасига олиб иккала лунжларни шишириш таклиф қилинади. Натижада бироз шовқинли л товуши ҳосил бўлади. Лунжларнинг шишиши л товушида ҳавонинг тилнинг икки ёнидан чиқишини билдиради. Машқлардан кейин қўшилаётган шовқин йўқолади. Яна бу шовқинни оғиз бурчакларини қаттароқ очиб ҳам йўқотиш мумкин.

Л товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Юқори ва пастки тишлар орасидаги масофа ўзидан кейинги унлига қараб ўзгармайди, бир хилда қолади, натижада жағ ва тилнинг кераксиз ҳаракати ҳосил бўлади ва товуш беўхшов чиқади.

Тузатиш. Л товушини ҳамма унлилар билан ойна олдида машқ қилдириш керак. Бунда тишлар орасидаги масофанинг фарқини кўрсатиб ўтиш лозим. Кейин ЛАЛАЛА ЛОЛОЛО ЛИЛИЛИ шаклидаги машқларни бажариш керак.

2 Тил чўзилган, торайган, учи юқори тишларга эмас, танглайнинг ўртасига бориб ёпишган, оғиз л унлисидан кўра кенгрок очилган. Натижада товушнинг нотўғри талаффузи келиб чиқади.

Тузатиш. Ойна олдида тилни кенг ёйиб туриб енгил тишланади. Ўқувчининг қўлига тилнинг икки ёнидан чиқаётган ҳаво сездирилади. Аввалига лунжлар бироз шиширилади бу билан товушнинг бурун талаффузининг олди олинади. Аввалига бу машқларни овознинг иштирокисиз қилиш мумкин. Кейинчалик овознинг иштирокини қўйиш мумкин. Л товушини тишлараро ҳолатидаги давомли машқларидан кейин тилни тишлар орасига олиш мумкин.

3 Тил учи кўтарилган бўлса ҳам тишларга ёпишмайди, ўртада озгина ариқча ҳосил қилади. Чиқаётган шу ердан ҳаво ўтади, натижада шовқинли, тебранишсиз, жарангсиз р га ўхшаш товуш ҳосил бўлади. Тил четлари юқори озик тишларга ёпишган бўлади.

Тузатиш. Тишаро л товушини қўйиш орқали тузатиш мумкин.
2- бандга қаралсин.

4. Л ўрнига з ва ж га ўхшаган товуш эшитилади. Тил ёнлари юқори илдиз тишларига бориб ёпишади, олд қисми ва юқори тишлар орасидан сирғалиб чиқади.

Тузатиш. Ойна олдида овоз кучайтиргич аппарат ёрдамида тўғри артикуляцияси кўрсатилади. Тилни узун чиқариб туриб, кейин орқага тортилади. Тилнинг учи юқори тишларга қўйилади.

5. Л ўрнига н товушини талаффуз қилинади. Бунда ҳаво оқими бурундан чиқади.

Тузатиш. Ўқувчига ҳаво оқимини бурундан чиқиб кетаётганини қўлини бурнига қўйиб сездириш ва ойна олдида кўрсатиб л товуши билан н товуши орасидаги фарқни тушунтириш керак. Ўқувчи тўғри талаффуз қилаётганини ўз қўлини бурнига қўйиб текшириб олиш мумкин.

6. Л товушини пинғи айтади.

Тузатиш. Бармоқ ёрдамида бурундаги тўлқинли тўғри ва нотўғри талаффуз сездирилади.

Л товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1 Л-----ЛЛЛ

2 Л-----А Л-----О Л-----Ў Л-----И

3 ЛА ЛО ЛУ ЛЎ ЛИ ЛА ЛО ЛУ ЛЎ ЛИ.

4 АЛ-----ОЛ----- АЛ-----ОЛ-----

5 АЛИ АЛО АЛУ АЛЎ ва бошқа унлилар билан.

6 ЛАЛАЛАЛА ЛОЛОЛОЛО ЛУЛУЛУ ЛЎЛЎЛЎЛЎ

7 Урғули бўғинлар қаторида.

8 Л товушини сўз боши, сўз ўртаси ва сўз охирида келган ҳолатида.

9 10, 11-машқлар худди П товушидек.

Р товуши

Меъёрмадаги ҳолат

1. Лаб ҳолати, тишлар орасидаги масофа худди л товушидек.

2. Тил учи қошиқ шаклида кўтарилган. Ра, ро, ру бўғинларида алвеолалар орқасида ёки алвеолалар олдида тебранади. Ри, ре бўғинида алвеолалардан пастда ёки юқори тишлар ёнида тебранади. Тил илдизи кўтарилмаган, тил четлари юқори илдиз тиш-

ларига ёпишган. Тил ёнлари кенг канал ҳосил қилади, бу каналдан ҳаво оқими чиқиб, тилни даврий тебранишларга олиб келади.

3. Юмшоқ танглай кўтарилган.

4. Чиқаётган ҳаво босими кучли.

5. ЭНБ бола р товушидан кейинги унли ҳолатини олган оғизни, алвеолалар тарафга кўтарилган тил учини кўради.

6. ЭНБ бола томоқдаги тебранишни, тил тебранишини, оғиздан чиқаётган илиқ ҳавони сезади.

Р товушини қўйиш

1-усул. Р товуши ўзбек болаларига д товушидан қўйилади. Ўқувчининг кўрсаткич бармоғи спирт билан артилади. Бармоқ ўқувчининг тили тагига қўйилади. Д товушини талаффуз қилдириш жараёнида бармоқ тез-тез ўнг ва чап тарафга ҳаракатирилади. Тил тебранишга келтирилади ва р товуши ҳосил қилинади. Тебранишни ҳосил қилиш учун р товушига мўлжалланган шарикли зонддан ҳам фойдаланиш мумкин. Товушни қўйиш пайтида қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Ўқувчи р ни бармоқ ёки зондсиз талаффуз қилганда ҳам чўзиб айтиш керак.

2. Р ни инерция асосида талаффуз қилиши лозим. Икки марта р ни зонд ёки бармоқ ёрдамида учинчи марта бармоқ ёки зондсиз талаффуз қилиши керак.

2-усул. Ф. Рау Р товушини ДЗ товуш бирикмасидан қўйишни таклиф қилган. ДЗДЗДЗ деб талаффуз қилиб ўқувчининг бармоғини тилнинг тагига қўйиб чап ва ўнг тарафга ҳаракатлантирилади. Баъзан қуйидаги усулни ҳам қўллаш мумкин. Тил учига қоғоз бўлаги қўйилади ва ўқувчига кучли нафас чиқариш билан тил учини алвеолаларга тез кўтариш тавсия этилади. Қоғоз парчаси ҳаво босими таъсирида оғиздан чиқиб кетади.

Р товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Р ўрнига л айтилади.

Тузатиш. Р ни қўйиш бўлимидаги усулдан фойдаланамиз. Агар ўқувчи ҳавони тилнинг ёнларидан ўтказаверса ҳавони тил учидан чиқариш учун ўқувчининг лунжларини озик тишларига босилади.

2. Овоз йўқлиги сабабли жарангсиз р эшитулади.
Тузатиш. Аввал ўқувчига товуш эшиттирилади. Натижа
чикмаса, ўқувчининг кўлини ўқитувчининг томоғига қўйиб
тебраниш сездирилади. Агар бу усул ҳам самара бермаса, жарангли
ва жарангсиз товушлар таққослаб талаффуз этилади. Ф-В, С-З,
жарангсиз Р жарангли Р лари тактил вибрация усули билан
сездирилади. Яъни ўқувчининг кўли ўқитувчининг томоғига
қўйилади.

3. Ён Р, тебраниш тилнинг учида эмас ёнларида ҳосил бўлади.
Тузатиш. Бунда товуш янгитдан қўйилади.

4. Дорзал Р. Жуда кўпол шовқинли товуш ҳосил бўлади. Тил
билан бирга бутун пастки жағ тебранади, сабаби тилнинг учи эмас
ўртаси тебранади (лотинча DORSUM-БЕЛ сўзидан олинган, кўп
тилларда тил ўртаси «тил бели» деб аталади. Масалан, рус тилида
«спинка языка»)

Тузатиш учун товуш янгидан қўйилади.

5. Томоқ р сида ҳаво тил илдизи ва юмшоқ танглай ўртасидаги
ёрикдан чиқади. Юмшоқ танглайнинг пастки қисми ёки тилчада
тебраниш ҳосил қилади.

Тузатиш. Бунда товуш янгидан қўйилади.

6. Р товушининг Ғ айтилиши тебраниш тил учида эмас
илдизида ҳосил бўлади. Тузатиш учун товуш Д товушидан бошлаб
янгитдан қўйилади.

7. Тил алвеолалар олдида эмас тиш олдида баъзан тишлар
орасида тебранади. Натижада товуш жуда беўхшов эшитулади.

Тузатиш учун оғизни қаттароқ очиш керак натижада тил
орқага тортилади ва Р тўғри талаффуз этилади. Лекин ҳамма
ўқувчилар ҳам талаффуз пайтида оғизни очиб туролмайди. Бунда
ўчирғични тенг икки бўлакка бўлиб, спиртга теккизиб, ўқувчига
тишлатилади.

8. Р талаффузига бошқа ундош қўшилиб қолади. Яъни Т, Қ, Г.

Тузатиш учун ўқувчиларга ёзувли карточкалардан фойдаланиб
тўғри ва нотўғри артикуляция кўрсатилади. Масалан: атра - ара,
акра - ара деб фарқлатилади.

9. Р товушига н товуши қўшилиб қолади, нр шаклида.
Ўқувчининг бармоғи ёрдамида ўқитувчининг бурун қанотларида
тебраниш йўқлиги сездирилади.

Р товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1. Р-----РРРРР
 2. Р-----А Р-----О Р-----Ў ва бошқа унлилар билан.
 3. РА РО РЎ РА РО РЎ.....
 4. АР----- ОР----- ЎР----- ЭР----- ИР-----
 5. ОР АР ЎР ЭР ИР ва ҳоказо.
 6. АРА ОРО УРУ АРО АРУ ОРУ УРА УРО
 7. РАРАРАРАРА РОРОРОРОРО ургули бўгинлар қаторида.
 8. Сўз боши, сўз ўртасида ва сўз охирида.
 - 9, 10, 11 машқлар худди п товушидек.
- Р ва л товушини фарқлаш учун машқлар.
- ЛАРА ЛАРА ЛОРО ЛОРО
ЛАРАЛОРО ЛАРАЛОРО ЛАРУ ЛАРИ
ТАДАНАЛАРА ТАДАНАЛАРА.
- Р ва л товушлари сўз ва жумлаларда.

Ш товуши

Ш ва Ж товушлари кучли ҳаво оқими билан талаффуз этилади. Шунинг учун бу товушлар мустаҳкамланаётган пайтда ўқитувчи жуда эҳтиёт бўлмоғи лозим. Юқоридаги товушли бўгинларни кўп талаффуз этганда баъзи ўқувчиларда бош айланиши кузатилиши мумкин.

Меъёردаги ҳолат

1. Лаблар олдинга чўзилган, тишлар кўриниб туради ва бир-бирига яқинлашган.
2. Тил учи туширилган ва анча орқага тортилган, тилнинг ўртаси қайрилган.
3. Тил ва пастки тишлар орасида чуқурча ҳосил бўлади. Тилнинг ўртаси ва юмшоқ танглай кўтарилган.
4. Овоз пайчалари тебранмайди. Чиқаётган ҳаво оқими илик ва кучли.
5. ЭНБ бола олдинга чўзилган лабларни, бир-бирига яқинлашган тишларни кўради. Агар оғизни сал очсак тилнинг ҳолатини ҳам кўриш мумкин.

6. ЭНБ бола кафтининг орқасида кучли илиқ ҳавони сезади.

Ш товушини кўйиш

1. Таклид усули билан ойна олдида тўғри талаффузни кўрсатиб кўйиш мумкин.

Бунда ўқитувчи бошини бироз орқага эгади ва оғзини сал очиб тўғри артикуляцияни кўрсатади ва эшитиш қолдиғига таянилади. Оғиздан чиқаётган илиқ ҳаво ўқувчининг қўл кафтининг орқасига сездирилади.

2. Агар таклид усули билан ш товушини ҳосил қилишининг иложи бўлмаса, қуйидаги усулдан фойдаланамиз. С товуши ҳолатидан зонд ёки шпател ёрдамида тил учи орқага итарилади. Бунда тил учи ва тишлар орасида озгина ариқча ҳосил бўлади ва Ш товуши келиб чиқади. Кўпинча ўқитувчилар пастки жағни олдинга чиқариш орқали Ш товушини ҳосил қилмоқчи бўладилар. Бу нотабий талаффузни келтириб чиқаради.

Ш товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. ЭНБ бола Ш товуши ўрнига Ф товушини талаффуз қилади.

Тузатиш. Ойна олдида тўғри артикуляцияси кўрсатилади. Агар бу усул натижа бермаса лунжларни икки томондан эзилади, лаблар ўз-ўзидан тўғри ҳолатини ҳосил қилади.

2. Вертикал йўналиш бўйича тишлар ораси жуда кенг.

Тузатиш. Таклид натижа бермаса, қўл билан пастки жағ юқори жағга яқинлаштирилади.

3. Ш нинг т айтилиши. Сирғалувчи товуш портловчи товуш билан алмаштирилади.

Тузатиш. Ўқувчига ойна олдида тўғри артикуляция кўрсатилади. Ўқувчининг қўл кафти орқасига ш ва т товушларини талаффуз қилиб, сирғалувчи ва портловчи товуш ўртасидаги фарк сездирилади. Агар бу усуллар натижа бермаса, товуш янгитдан қўйилади.

4. Тил орқага тортилган, натижада Ш ўрнига Х айтилади.

Тузатиш. Ойна олдида оғизни сал очиб тил ҳолати кўрсатилади. Агар бу усул натижа бермаса, товуш янгитдан қўйилади.

5 Сонантность — Ш ўрнига унли товуш эшителиди. Камчиликнинг сабаби овоз пайчаларининг тебраниши ва Ш товушига хос бўлган сирғалишнинг йўқлиги.

Тузатиш. ША—ЙА, АША---АЙА бўғинларини карточкаларга ёзиб, ойна олдида ёзувини кўрсатиб бўғинларни навбатдан талаффуз қилдирилади. Ўқувчининг кўлини ўқитувчининг томоғига қўйиб унли товушларда овоз пайчалари тебранишини, Ш товушида эса тебранмаслигини сездирилади.

Ш товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

- 1 Ш-----Ш Ш Ш Ш Ш Ш...
- 2 Ш-----А Ш-----А
- 3 Ш-----О Ш-----О Ш-----У Ш-----У ва бошқа унли товушлар билан.
- 4 ША ША ША ШО ШО ШО ШО ШУ ШУ ШУ ва бошқа унлилар билан.
- 5 ША ШО ША ШО ША ШО ШУ ША ШО ШУ ШАШОШУШУ каби бўғинлар қаторида.
- 6 АША ОШО ЎШУ ИШИ ЭШЭ УШУ
- 7 АШ ОШ УШ ИШ ЭШ УШ каби ёпиқ бўғинлар қаторида.
- 8 Ш товуши сўз боши, сўз ўртаси ва сўз охирида.
- 9, 10, 11- машқлар худди П товушидек.

Ж товуши

Меъёрмадаги ҳолат

1. Лаб тиш ҳолати худди ч товушидек.
2. Тил юқори танглайга кўтарилган. Овоз пайчалари тебранади, чиқаётган ҳаво ҳам, кучли босим ҳам кучли. ЭНБ бола чўзилган лабларни тишлар ҳолатини оғиз бироз очилганда тил ҳолатини кўриши мумкин. ЭНБ бола иссиқ ҳаво оқими, кўкрак ва томоқдаги тебранишни сезиши мумкин.

Ж товушини қўйиш

Ж товуши ч товушидан қўйилади. Ўқувчига худди с товушидан з товушини қўйгандек ҳолат тушунтирилади, яъни ж товушида овоз пайчаларининг тебраниши сездирилади.

Камчиликлари ва уларни тузатиш

Ж товушини камчиликлари худди ч товушини камчиликларига ўхшайди ва худди ч товушидек тузатилади.

Фақат ж товушига хос бўлган камчиликлар

1. Ж товушининг жарангсизланиши.

Тузатиш учун овоз пайчаларини тебраниши сездирилади.

2. Сонантность, яъни унлига алмаштириш.

Тузатиш. Ж товушини талаффуз қилаётганда кучли ҳаво оқими чиқиши сездирилади. Агар бу усул ёрдам бермаса тишаро ш товушига ўтилади. Тишаро ш мустаҳкамлангандан кейин, меъёрмадаги артикуляцияга ўтилади. Бу товуш бир қанча муддат чўзиброк айтилади.

Ж товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

- 1 Ж-----Ж----- Ж Ж Ж Ж Ж
2. Ж-----А Ж-----О
- 3 ЖА ЖА ЖА ЖО ЖО ЖО
4. ЖАЖАЖА ЖОЖОЖО
ЖАЖАЖА ЖОЖОЖО
5. ЧАЧО ЧАЧО
ЖАЖО ЖАЖО
6. ЧАЖА ЧАЖА
ЖАЧА ЖОЧО ва бошқа унли товушлар билан.
7. Сўз боши, охири ва ўртасида ч ж товушлари билан.
- 8, 9, 10, 11---машқлар II товушидек.

К товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар, оғиз бурчаклари, тишлар ҳолати ўзидан кейинги унлига қараб ёки олдинга чўзилган ёки икки тарафга тортилган.
2. Тил учи пастга туширилган, тилнинг ўртаси танглайга бориб бирикади ва портлаш ҳосил қилади.
3. Юмшоқ танглай кўтарилган.
4. Овоз пайчалари тебранмайди.
5. ЭНБ бола оғиз шаклини, тил ҳолатини кўриши мумкин.
6. ЭНБ бола товушни талаффуз қилганда кўлнинг орқа қисмида оғиздан чиқаётган илиқ ҳавони ва портлашни сезиши мумкин.

К товушини қўйиш

Бу товушни тақлид асосида қўйиш қийин. Тилга механик таъсир этиш орқали қўйиш яхши натижа беради. Бу таъсир икки босқичда амалга оширилади битта бўғинини айттириб, ўқувчининг бармоғи ёки зонд ёрдамида тилнинг учи босилиб, бироз итарилиб та бўғини ҳосил қилинади. Кейин тил орқарокқа итарилади ва ка бўғини ҳосил бўлади. Бу жараён ўқувчининг ўзи томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

К товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Лаблар кейинги унлига мослашмайди ва ко ку ўрнига као кау эшитилади.

Тузатиш. Ойна олдида КОКОКО КУКУКУ бўғинларини айттириш керак, лаблар о ёки у ҳолатида бўлиши лозим.

2. Пастки жағ пастга тушиб кетади ва кераксиз ҳаракат ҳосил бўлади.

Тузатиш учун ойна олдида КОКОКОКО КОКОКОКО бўғинларини айтиб, жағ пастга тушмаслигини кўрсатиш керак. Ўқитувчининг жағига ўқувчининг кўлини қўйиб тўғри ва нотўғри артикуляциянинг фарқини тушунтириш керак.

3. К товушининг Т айтилиши.

Тузатиш. К товуш янгитдан қўйилади.

4. К товушини Қ айтилиши.

Тузатиш. Тилнинг илдизи танглайга бориб ёпишади. Бу камчилик механик усулдан фойдаланмасдан, К нинг талаффузини ўқувчига фақат тақлид орқали қўйилганда юзага келади. Товуш янгитдан қўйилади.

5. Тил танглайга баланд кўтарилиши натижасида Х товуши ҳосил бўлади.

Тузатиш. Ойна олдида тилнинг ўртасини кўтарилиши бўйича машқ қилиш керак. Кейин юқорида кўрсатилган иккинчи усул ёрдамида товуш янгитдан қўйилади. Бундан ташқари ўқувчининг кафти орқасига чиқаётган ҳаво ёрдамида портловчи ва сирғалувчи товушлар орасидаги фарқни сездириб тушунтириш керак.

6 К товуш ўрнига қарсиллаш эшитилади.

Тузатиш. Қоғоздан қирқилган узун лентачкалардан портлаш ҳолатини кўрсатиш лозим.

К товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1 ККК аста-секин тезлаштирилади.

2 КА КО КУ КА КЕ КИ

3 КАКАКАКА..... КОКОКО..... КУКУКУКУ....

КАКО КАКО КАКО... КАКО КАКО

4 АКА АКО АКУ

КАКАКА КОКОКО

5 АК АК АК ОК ОК ОК УК УК УК

КАК КАК КАК КОК КОК КОК КУК КУК КУК

6 К товушини сўз боши, сўз ўртаси сўз охирида қўлланилиши.

7 8, 9, 10, 11 --- машқлар П товушидек.

Г товуши

Меъёردаги ҳолат

Г товуши артикуляцияси К товуши артикуляциясидан овоз пайчалари иштироки бўйича фарқланади. Овоз пайчалари тебранади ва чиқаётган ҳаво босими кучсизроқ.

ЭНБ бола К товуши артикуляциясида нимани кўрса, Г товушида ҳам шуни кўради. Фақат кучсиз ҳаво оқими ва ун пайчалари тебранишини сезади.

Г товушини кўйиш

Инерция орқали ДАДАГА деб кўйиш мумкин. Жарангли д товуши ва да бўғинидан кўйилади. Худди т товушидан к товушини кўйиш усуллари билан ҳосил қилинади.
ДА---ДА----ГА деб кўйилади.

Г товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

К товуши камчиликларидан ташқари.

Эслатма. Бу мавзу ўқишдан аввал Б, Д, К товушлари ҳақидаги ўқиб чиқинг.

1. Юмшоқ танглай туширилган, г товушига н кўшилади ва нг ёки нк бирикмаси ҳосил бўлади.

Тузатиш. Ўқувчига г товушида бурун қанотларини тебранмаслигини тушунтириб сездирилади, ёки бурнини қисиб туриб г товушини талаффуз қилдириш мумкин. ГА НГА---ГА—НГА деб ёзувда кўрсатиб тузатиш мумкин.

2 . Жарангсизланиши. Г ўрнига к айтилади.

Тузатиш.

ПА---БА. ПО----БО.

ТА----ДА. ТО-----ДО

КА-----ГА КО-----ГО бўғинларини таққослаш керак ёки БАДАГА ДА---ДА-ДА деб талаффуз эттириб ДА бўғинини айтилаётганда юқорида кўрсатилган усул билан зонд ёки бармоқ ёрдамида ГА бўғини ҳосил қилинади.

Г товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1. ГГГ ГГГГА ГГГГО ГГГГУ

2. ГАГАГА ГОГОГО

ГАГОГАГО ГАГОГАГО

3. АГА ОГО УГУ ЎГУ

ОГО АГУ АГУ

4. ГАГА ГОГО

5. ГАГАГА ГОГОГО

6. Г товуши сўз боши ва сўз ўртасида.

7. 8,9,10,11 машқлар П товушидек.

К – Г товушларини таққослаш учун машқлар

1. КАГА КАГО КОГО КОГО
ГАКО ГОКО ГОКО ГОКО
КОГО КОГОГУ КОГОКУ КОГОКУ
ГАКА ГОКО ГОКЕ КУГУ ГУКУ ГОКИ
2. КАГА товушлари иштирокидаги ўхшаш сўзлар.

Х товуши

Меъёрмадаги ҳолат

1. Лаблар, оғиз бурчаклари, тишлар орасидаги оралик ҳолати ўзидан кейинги унлига қараб.
2. Тил учи пастга туширилган, ўртаси танглайга кўтарилган ва ўртада ариқча ҳосил қилади. Ўпкадан чиқаётган ҳаво шу ердан сирғалиб чиқади. Ариқчанинг ҳосил бўлиш ўрни ўзидан кейинги унлига қараб--- ХА бўғинида тахминан қаттиқ ва юмшоқ танглай чегарасида ХИ бўғинида шу чегаранинг олд томонида.
3. Юмшоқ танглай туширилган. Овоз пайчалари тебранмайди.
4. ЭНБ бола К товуши артикуляциясидаги ҳолатни кўриши мумкин.
5. ЭНБ бола кўлининг орқа қисмида к товушидагидек итарилиб чиқаётган ҳавони (портлашни) эмас, балки узун, давомли илиқ ҳаво оқимини сезиши мумкин.

Х товушини қўйиш

1-усул. Ўқувчига С товушини айтиш таклиф этилади. Кейин СА бўғинини айтиш таклиф этилади. Шу пайтда ўқитувчи зонд, шпател ёки ўқувчининг спиртда артилган бармоғи ёрдамида тил учи босилади ва С товушини чўзиб айтиш кераклиги тушунтирилади.

СЯ бўғини ҳосил бўлади. Кейин тил учи яна чуқурроқ итарилади ва ХЯ бўғини ҳосил бўлади. Ниҳоят, шпател яна ҳам ичкарироқ итарилади ва ХА бўғини ҳосил бўлади.

Бу уч босқични баъзи болалар якка машғулотда тез эгаллайдилар. Айрим болаларда эса аввал 1- босқични

мустаҳкамлаб тилни шу ҳолатда ушлаб туришга ўргатилади. 1, 2-босқич ўзлаштирилгандан кейин 3-босқичга ўтилади.

2-усул. Ўқитувчи бошини бироз орқага эгиб оғзини қатта очади ва КХ-----товушини айтади. Кейинчалик ХА, АХ, ХО бўғинларига ўтилади. Дастлабки пайтда Х товушини чўзиброк айттириш керак, чунки қисқа талаффузда бу товуш йўқолиб кетиши мумкин.

Х товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Х товушини К товушига алмаштириш.

Тузатиш. Ойна олдида ёзувли карточкалар ёрдамида товушлар таққослаб талаффуз қилинади.

КА---ХА КО—ХО деб яна ўқувчини кўлининг орқасида к ва х товушларидан чиқаётган ҳавонинг фарқини сездириш керак. (к да портлаб чиқаётган ҳаво, Х да узун, давомли ҳавони)

2. Х ўрнига шунчаки нафас чиқарилади.

Тузатиш. С товушидан бошлаб қайта кўйилади ёки сув билан оғизни чайилади. Кейин ўқувчига чайдиради сўнг эса бу машқлар сувсиз бажарилади.

Х нинг чуқур талаффузида товуш янгитдан кўйилади.

Х товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1. Х---- Х Х Х

2. Х---А, Х---О, Х---У, Х---Е, Х-----И, ХА ХУ

ХИ

3. АХ-----ОХ-----УХ-----ЭХ-----ИХ-----

АХ ОХ УХ ЭХ ИХ

4. АХА ОХО АХА ОХО

ОХО ОХУ ИХО ЭХО

5. ХА ХА ХА ХА ХО ХО ХО

ХАХО ХАХО ХОХОХОХО ХАХАХАХА

6. ХАХОХУХИ ХАХОХУХИ ХАХОХУХИ

7. Х товуши сўз боши, сўз ўртаси ва сўз охирида

8, 9, 10, 11- пунктлар П товушидек

К – Х товушларни таққослаш

1. КА ХА АКА АХА
КО ХО ОКО ОХО
КУ ХУ УКУ УХУ
КИ ХИ ИКИ ИХИ

К. Х товушли сўзлар ва гапларда таққослаш

Й товуши

Меъёردаги ҳолат

1. Лаблар тишларга яқинлашган.
2. Оғиз бурчаклари икки тарафга чўзилган, худди и товушидек.
3. Тишлар орасидаги вертикал масофа и товушидек.
4. Тил учи пастки тишларга и товушига нисбатан яқинроқ бириккан, ўртаси и товушидан баландроқ кўтарилган ва танглайни ўртаси билан ариқча ҳосил қилади.
5. Юмшоқ танглай кўтарилган.
6. Чиқаётган ҳаво босими х товушига нисбатан кучлироқ. ЭНБ бола худди и товушидек оғиздаги тор ёриқни ва кўтарилган тилнинг ўртасини кўриши мумкин.
7. ЭНБ бола ҳаво оқимини ва томоқдаги тебранишни сезиши мумкин.

Й товушини кўйиш

Й товушини кўйиш учун х товушини с товуши ёрдамида кўйилган усулдан фойдаланилади.

Фақат З товушидан фойдаланилади. З-----З----Й ЗА-----
ЗУА-----ЙА тарикасида кўйилади.

Й товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

Й-----А

Й-----О

Й-----У

Й-----И

АЙ АЙ АЙ АЙ

УЙ УЙ УЙ УЙ

ОЙ ОЙ ОЙ ОЙ

ИЙ ИЙ ИЙ ИЙ

Ч товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар III товушига нисбатан камроқ олдинга чўзилган.
2. Оғиз бурчаклари яқинлашган.
3. Олд тишлар бироз кўриниб туради.
4. Тил ва унинг олди алвеолаларга ва алвеолалар орқасидаги танглайга бирикади.
5. Тилнинг икки ёнлари юқори илдиз тишларига, тилнинг ўртаси танглайга бирикади.
6. Юмшоқ танглай кўтарилган, овоз пайчалари тебранмайди.
7. Чиқаётган ҳаво босими кучли.
8. ЭНБ бола бириккан тишларни ва улар ўртасидаги кичик ёриқни кўради. Агар оғиз бироз очилса, тил ҳолатини кўриш мумкин.
9. ЭНБ бола кўлининг орқасида оғиздан итарилиб чиқаётган илиқ ҳавони сезади.

Ч товушини қўйиш

Эслатма: Ч товуши меъёрдагидек ҳосил бўлиши учун ўқувчи т ва ш товушларини тўғри талаффуз қила олиши лозим.

- 1- усул. Тескари бўғинда АЧ деб талаффуз эттириб қўйилади.
- 2- усул. Т ва ш товушларини тезлаштириб талаффуз қилдириб қўйилади.

Жуда кам ЭНБ болаларда Ч товуши тезда ҳосил бўлади. бу товушни ҳосил қилиш учун узоқ вақт машқ қилинади.

Ч товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Ч ўрнига Т эшитилади.
Тузатиш. Ўқувчини кўлининг орқасига кучли нафас чиқарилади. Бу камчиликка йўл қўйилмаслиги учун товуш янги қўйилган вақтда чўзиб айтилади. ТШ ТШ ТШ шаклида бўлса ҳам хато ҳисобланмайди.
2. Ч ўрнига К эшитилади, сабаби, тил ч ҳолатига нисбатан орқага тортилган.

Тузатиш. Ойна олдида тил алвеолалар ёнидаги ҳолатда экани кўрсатилади.

Ч товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

Ч товуши аввал тескари бўғинда мустаҳкамланади, кейин икки унли орасида ва очик бўғинда мустаҳкамланади.

1. АЧ-----ОЧ-----УЧ----- АЧ ОЧ УЧ
2. АЧ-----А ОЧ-----О УЧ-----У АЧА
ОЧО УЧУ
3. ЧА ЧО ЧУ ЧИ ЧА ЧО ЧУ ЧИ
4. ЧАЧАЧА ЧОЧОЧОЧО урғу билан.
5. ЧАЧО ЧАЧО ЧАЧО ЧАЧОЧАЧО урғу билан.
6. Ч товушли сўзлар сўз боши, сўз ўртаси ва сўз охирида.
- 7, 8, 9, 10 банд худди П товушидек.

Қ товуши

Меъёردаги ҳолат

1. Лаблар, оғиз бурчаклари, тишлар орасидаги вертикал ҳолат ўзидан кейинги унлига мослашади.

2. Тил учи туширилган, ка, қо, қў бўғинида тишлардан орқага сурилади. Қи, қе бўғинида пастки тишларга яқинлашади. Тилнинг ўртаси букилган ва илдизи билан танглайга бирикади. Қа бўғинида юмшоқ ва қаттиқ танглай чегарасида, қу ва қу бўғинида юмшоқ танглайга тегади. Қе ва қи бўғинида қаттиқ танглайнинг ўртасида.

3. Юмшоқ танглай кўтарилган.
4. Овоз пайчалари тебранмайди.
5. Чиқаётган ҳаво босими кучли.
6. ЭНБ бола оғизнинг шаклини, тилнинг ҳаракатини кўриши мумкин.
7. ЭНБ бола қўлнинг орқасида портлашни ва илиқ ҳавони сезиши мумкин.

Қ товушини қўйиш

Бу товушни эшитиш кўриш асосида қўйиш яхши натижа бермайди. Механик усул билан осон қўйилади. Товушни

кўйидагича кўйиш мумкин. Т товуши ёки та бўғини айттирилади. Шу пайтда зонд ёки ўқувчининг бармоғи ёрдамида тил орқага сурилади. КА бўғини ҳосил бўлади. Ка ҳолати мустаҳкамланганидан кейин тил янада чуқурроқ итарилади ва қа бўғини ҳосил бўлади.

Қ товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Лаблар ўзидан кейинги унлига мослашмайди. Қа ку ўрнига као, қау ҳосил бўлади.

Тузатиш. Ойна олдида қо, қо, қо, ку, ку, ку деб машқ қилдирилади.

2. Пастки жағ орқага тортилган ва ортикча ҳаракат сезилади. Нотабий товуш ҳосил бўлади.

Тузатиш. Ойна олдида жағнинг тўғри ҳаракати тушунтирилади.

3. Қ ўрнига Т айтилади.

Тузатиш. Бунда товуш янгитдан кўйилади.

4. Ўта баланд танглайда ёки тилнинг суст ҳаракатида Қ ўрнига Х эшитилади.

Тузатиш учун ойна олдида тилни букиб, чўзиб машқ қилинади. Кейин аввалги уч босқичда товуш янгитдан кўйилади.

Қ товушини мустаҳкамлаш учун машқлар

1. Қ-----А Қ-----О Қ-----У

2. ҚА----- ҚО----- ҚУ-----

3. АҚА ОҚО УҚУ ИҚИ

4. АҚЎ АҚИ ОҚУ УҚУ

5. ОҚ АҚ УҚ ИҚ ЭҚ УҚ

6. ҚАҚАҚАҚА ҚОҚОҚОҚО ҚУҚУҚУҚУ ҚЎҚУҚЎҚУ

бўғинлар қаторида.

7. ҚАҚАҚАҚАҚА ҚОҚОҚОҚО урғули бўғинлар қаторида.

8. Қ товуши сўз боши, сўз ўртаси.

9, 10, 11-машқлар ҳудди П товушидек.

Ғ товуши

Меъёрдаги ҳолат

1. Лаблар ўзидан кейинги унли ҳолатида.
2. Тишлар бир-бирига яқинлашган.
3. Ғ товуши унли товушлар билан биргаликда талаффуз этилганда, тил учи пастга тушгач, илдиз қисми юмшоқ танглай билан бирикади.
4. Кўпроқ юмшоқ танглай билан ун пайчалари биргаликда тебраниб, товуш ҳосил қилади.

Ғ товушини қўйиш

1-усул. Х товушидан ўқитувчининг томоғидаги тебранишни сездириб, тилни механик усул билан зонд ёки шпател ёрдамида янада ичкарироққа итариб қўйилади.

2-усул. Ғарғара қилиш. Ўқитувчи озгина микдорда оғзига сувни олиб, ғарғара қилади ва ғ товуши ҳосил бўлади.

Бу усулни ўқувчи ҳам такрорлайди ва ғ товуши ҳосил бўлади. Ғ товушини сувсиз ҳам ҳосил қилиш мумкин.

Ғ товушининг камчиликлари ва уларни тузатиш

1. Тилнинг ўртаси танглайга тегиб портлаш ҳосил қилади. Натижада сирғалувчи ғ эмас портловчи г товуши ҳосил бўлади.

Тузатиш. Ғ товуши билан Г товушини талаффузидаги фарқ солиштирилади. Ғ товушини талаффузида ҳаво оқими сирғалиб чиқиши, г товушида эса портлаб чиқиши ўқувчининг қўлини орқасида сездирилади.

2. Ғ товушининг р айтилиши. Тилнинг илдиз қисми эмас балки учи тебранади.

Тузатиш. Товуш янгитдан қўйилади.

1. Ғ товушининг бурун талаффузи. Ғ товуши ўрнига нғ товуши айтилади.

Тузатиш. Ўқитувчининг бурун қанотларига ўқувчининг қўлини қўйиб, Ғ товушининг талаффузида бурун қанотларида тебраниш йўқлиги сездирилади. Ўқувчининг бурнини қисиб туриб Ғ товушини талаффуз қилинади. Бунда ёзувли табличка Ғ-НҒ деб фарқи кўрсатилади.

1. СЎЗ УСТИДА ИШЛАШ

Сўз нутқнинг маънога эга бўлаги сифатида ЭНБ болалар нуткида жуда кенг қўлланилади. Сўз устида ишлаш ҳақида гап кетганда, унинг фонетик жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Ҳар бир сўз ўзининг сўз - бўғин таркибига эга ва товушлар сўзларда маълум тартибда жойлашган. Агар сўз икки ва ундан ортиқ бўғиндан иборат бўлса, ундан бир бўғини нутқда узунроқ баландроқ талаффуз қилинади. Бу сўз урғуси.

Ҳар бир сўзнинг талаффузи орфоэпия қоидалари билан бошқарилади. Тайёрлов синфдан бошлаб болалари сўзларни меъёردаги тезликда айтишга ўргатилади.

Биринчи – иккинчи синфларда бу иш янада ривожлантирилади.

Болалар сўзлар таркибини онгли равишда тушунадилар ва бир қатор орфоэпия қоидалари, сўз урғуси билан танишадилар.

Сўз устида иш олиб борилаётганлигида ўқувчининг эшитиш қолдиғига таяниш мақсадга мувофиқ (агар у сақланиб қолган бўлса).

Сўз устида ишлашда қўлланадиган усуллар: ўқитувчи кетидан сўзларни такрорлаш, сўзни ўқиш, реал предметларни ёки расмларни номлаш, саволларга жавоб бериш.

Сўз яхлитлиги устида ишлаш

Сўзни тўғри талаффуз қилиш деганда, унинг товуш ва бўғин таркибидан қатъий назар яхлит (паузасиз), урғу билан талаффуз қилиш тушунилади.

Сўзни талаффуз қилишда ЭНБ болалар йўл қўядиган камчиликлар:

1. Сўзларни бўғинлаб айтиш.
2. Сўзларни товушлаб талаффуз қилиш.
3. Сўзларни қисмларга бўлиб талаффуз қилиш.
4. Сўз орасига бошқа товушнинг қўшилиб қолиши.

Юқоридаги уч ҳолатда ўқувчилар ҳар бўғиндан кейин, ёки ҳар товушдан кейин тўхтаб дам оладилар ёки сўз орасида дам оладилар.

Агар баъзи ўқувчиларга ўқитишнинг дастлабки пайтида ҳар бўғиндан кейин дам олиш рухсат этилса, сўзни товушлаб айтиш жуда қўпол камчилик ҳисобланади. Сўз яхлитлигининг бузилиши

сўзнинг ритмик контури бузилишига олиб келади. Сўз яхлитлиги устида иш олиб борилганида ўқувчининг эшитиш қолдигига таяниш яхши натижа беради. Агар бунинг имкони бўлмаса, сўз яхлитлиги устида махсус машқлар ўтказилади.

Агар ўқувчи бўғинларни қўша олмаса, бўғинлар чегарасидаги товушларни қўшишни ўргатиш зарур. Масалан ўқувчи лола сўзини қўша олмаса, аввал о ва л товушларини қўшиб айтишга ўргатилади, кейин яхлит сўзга ўтилади. Бу пайтда эшитишдан ташқари ўқувчининг қўлини ўқитувчининг кўкрак қафасига қўйилади ва бу сўз талаффузи пайтида ҳеч қандай пауза йўқлиги сездирилади. Ўқувчи ол бирикмасини яхлит талаффуз қилишга ўрганганидан кейин лола сўзи айттирилади.

Яхлит талаффузни шакллантириш учун бир нафасда қўйидаги бўғинларни айтиш яхши натижа беради.

Папа	Папапа	Папапапа
Ф-а	ф-аф-а	ф-аф-аф-а

Шуни унутмаслик лозимки, бир нафасда портловчи товушларни айтишдан кўра сирғалувчи товушларни айтиш осонроқ.

Баъзан сўз узунлиги туфайли уни яхлит талаффуз қилиб бўлмайди. Бундай ҳолларда сўзларни аввало қисмларга бўлиб талаффуз қилдирилади. Кейин яхлитланади. Сўзни қисмларга ажратиш унинг фонетик тузилиши ва ҳар бир ўқувчининг имкониятларига боғлиқ.

Сўзларни қисмларга бўлишга доир қўйидаги мисолни келтириш мумкин: булутли бу-лут-ли, булут-ли, бу-лутли, булутли.

Баъзи бир ўқувчилар сўзни яхлит айта олиши мумкин, бошқалари 2 қисмга бўлиб айта олишлари яна бири эса ўша вақтда сўзни фақат бўлиб айта олишлари мумкин.

Сўзлар талаффузи темпи яъни тезлиги устида ишлаш

ЭНБ бола табиий сўзлаши учун нафақат сўзларни тўғри айта олиши, орфоэпия қоидаларига риоя қилиши, шу билан бирга керакли нутқ жараёнида темпга риоя қилиши керак.

Одатдаги сўзлашув нутқида: бир секундда 5-6 бўғин айтилади. Албатта ЭНБ бундан кўра секинроқ темпда гаплашишлари табиий.

Дастлаб ЭНБ болаларни оғзаки нутққа ўргатишда секинроқ темпдан фойдаланилади. Бундан мақсад товуш ва сўзларнинг аниқ артикуляциясини ўқувчиларда ҳосил қилишдир.

Темпни эрта тезлаштириш ноаниқ артикуляцияга ва ўқувчининг талаффузини тушунарсиз бўлишига олиб келади. Темпни узоқ вақт секинлаштириш эса ўқувчининг сўзларни бўғинлаб, товушлаб талаффуз қилишга олиб келади.

Тўғри тезликни шакллантиришда ўқувчининг нутқи муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи нутқига таклид қилиб, ўқувчи тўғри гапиришга ҳаракат қилади.

Лекин темпни тезлаштириб юбориши ўқувчининг сўзнинг товуш таркибини бузиб айтишга олиб келади. Шунинг учун у ёки бу товуш артикуляцияси ўрганилаётган пайтда машқлар темпи бироз секинлаштирилади, бу усул ўқувчининг сўзнинг товуш таркибини тўғри талаффуз эта олиши учун қўлланади.

Талаффуз малакасининг автоматлашишига қараб темп тезлаштирилади.

Темп устида ишлаш бутун ўқиш даврини қамраб олади ва бу билан паралел равишда ўқувчиларнинг овоз чиқариб ўқиши устида ҳам иш олиб борилади.

Нутқ темпи устида қўйидаги иш турларини қўллаш мумкин;

1. Ўқитувчи билан биргаликда сўзларни аввал секин, кейин тез айтиш.

2. Ўқитувчи айтган сўзларни ва сўз бирикмаларини аввал секин, кейин тез темпда такрорлаш (эшитиб кўриш ва эшитиш асосида).

3. Гоҳ тез темпда, гоҳ секин темпда сўзларни айтиш.

4. Тез айтишлар ёд олиш.

Юқорида кўриб ўтган ҳолатлар сўз устида ишлаш турларига киради. Сўз сўз бирикмасига айланганда ўқувчининг вазифаси мураккаблашади ва у яна хатоларга йўл қўя бошлайди.

Сўзлар қатори, сўз бирикмалари, гаплар устида олиб бориладиган иш турлари хилма-хил; содда (ўқиш) ва мураккаброк (мустақил сўзлаш).

Уларни кўриб чиқамиз.

1. Гапларни ўқиш.

А. Расм остидаги гапни ўқиш. Расм остига матн ёзилади. Гапларни ўқиш пайтида ўқувчи унга қўйилган қуйидаги талабларга риоя қилиши лозим бўлади. Товушларни тўғри талаффуз қилиш, сўзларни тўғри бирлаштира олиш, нафас паузаларини тўғри тақсимлай олиши керак бўлади.

Б. Расмсиз матнни ўқиш, матн катталиги 1 та гапдан кичик ҳикоягача бўлиши мумкин. Ўқувчига қўйиладиган талаблар аввалги банддагидек.

2. Гаплар ва сўз бирикмалари тузиш.

Нутқ фаолиятининг бу тури тўғри ўқишга нисбатан мураккаброқ. Бу фаолиятга туртки бўлиб расм, ўқувчи саволи, гапнинг тўлдирилмаган қисми бўлиши мумкин. Масалан: Гапни, сўз бирикмасини тўлдириш. Бунда ўқувчи гапни ўқиб чиқиб, адашмасдан тушиб қолган қисмини тўлдириши мумкин.

1. Бунда машқлар ҳар хил қурилади, баъзи фонетик темпга оид мавзуга оид топшириқ бўлиши мумкин.

2. Бошқаларда шу мавзуга тегишли бўлмаган сўз бўлиши мумкин.

Гап тузишга оид ишнинг турларини кўриб чиқамиз:

1. Расмга қараб сўз ва бирикмаларни тўлдириш. Бу иш турида ҳар хил сўз туркумлари – отлар, сифатлар, сонлар, олмошлар, феъллар тушиб қолган бўлиши мумкин. Масалан, ўқувчига китоб ўқиётган бобонинг расми ва «ўқияпти» сўзи берилган бўлиши мумкин. Ўқувчи уни «Бобо китоб ўқияпти»- деб тўлдириши мумкин. Расмга қараб тўлдириш боғланган матнга қаратилган ҳам бўлиши мумкин. Бундай матнни ўқиётиб, ўқувчи мустақил равишда расмга қараб матнни тўлдиради. Бу иш тури ўқувчига ўқишдан мустақил сўзлашга ўтувчи босқич бўлиб хизмат қилади.

2. Савол ёрдамида (расмсиз) гапларни тўлдириш.

ЭНБ болаларни мустақил сўзлашга ўргатадиган иш усулларида бири – гапни расмга таянмай тўлдиришдир. Бунда ўқитувчининг саволи ва тушиб қолдирилган гап бўлагидан фойдаланиш мумкин. Юқоридаги машқда 2 малака мустаҳкамланади.

- Ўқувчи савол мазмунини қай даражада тушунди?

- Маълум талаффуз малакасини қай даражада эгаллади?

Масалан: Бугун ҳафтанинг қайси куни? Бугун душанба.

3. Гапларни савол ва расмга таянмасдан тўлдириш. Бу иш турига материал ўқувчиларга маълум бўлган нутқ материалидан олинади.

4. Саволларга жавоб бериш:

Карточкага таяниб ўқувчи мустақил равишда гап тузади.

Карточкаларнинг бир қисми расмли ҳам бўлиши мумкин.

Масалан:

- қўён (сабзи расми) ейди.

- Олмахон (ёнгоқ расми) ейди.

Бу иш турларидан фойдаланаётганда ўқитувчи ўқувчилар талаффузини эътибордан четда қодирмаслиги лозим.

6. ЖУМЛА УСТИДА ИШЛАШ

Агар сўз маълум бир тушунчани англатиш учун хизмат қиладиган нутқ бирлиги бўлса, жумла муомала учун қўлланадиган нутқ бирлигидир.

Жумла устида ишлаш оҳанг устида ишлашдир.

Жумла устида ишланганда ўқувчиларга қўйидаги малакалар ҳосил қилинади: Жумлаларни маъноли бўлақларга ажратиш, маъно урғусини ажратиш, жумла талаффузида маълум тезликка (темпа) риоя қилиш.

Жумла устида ишнинг ҳар бир бўлимига алоҳида тўхталиб ўтамыз. Бу бўлимларнинг ҳар бирида ўқувчининг эшитиш қолдиғига таяниш муҳим аҳамиятга эга.

1. Талаффуз яхлитлиги.

Сўз ва сўз бирикмалари яхлитлиги устида ишлаш ҳақида аввалги бўлимда (сўз устида ишлаш) ва нуткий нафас ҳақидаги бўлимда тўхталиб ўтган эдик.

Қўшимча қилиб қўйидаги усулни таклиф этамыз: бунда талаффуз яхлитлигига гапларни аста секин кенгайтириб талаффуз қилиш орқали эришилади. Бу гаплар лозим бўлса синтагмаларга (маъноли қисмларга) ажратилади. Қўйидаги мисолни келтиришимиз мумкин:

Бола китобни

китобни сумкага

сумкага солди

китобни сумкага солди

Бола китобни сумкага солди.

Ўқувчи аста-секин гапларни қисмларга бўлиб бир нафасда айтади, материал ҳажми кенгайтирилади. Ўқувчи бир босқични ўзлаштирганидан сўнг, кейинги босқичга ўтилади. Иш якунида ўқувчи гапнинг ўзини яхлит, бир нафасда, равон айтиши керак бўлади.

7. ЖУМЛАЛАРНИ ПАУЗАЛАРГА БЎЛИШ

Нутқнинг паузаларга тўғри бўлиниши, ЭНБ бола нутқининг атрофдагиларга тушунарли бўлиши учун муҳим омилдир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ЭНБ болалар жумлаларни бир-биридан паузаларга тўғри ажратадилар, лекин жумла ичидаги тўхталишлар орасида хатога йўл қўядилар. Бу пайтда болалар ҳавони тежамли ишлата олмасликларидан шундай хатога йўл қўяди. Улар бир нафасда бўғинлар қаторини айта олишлари мумкин. Бунда ўқитувчининг айби ҳам бўлиши мумкин. У гапни ўқувчиларга сўзларга ва қисмларга бўлиб айтган бўлиши мумкин. Яна бу камчилик ўқувчининг нутқнинг грамматик қурилишини яхши ўзлаштирмаганидан, сўзлар орасидаги грамматик боғлиқликни билмаганидан келиб чиқади. Яна бир камчилик, ўқувчиларни жумладаги сўзлар таркиби маъносидан қатъий назар бир нафасда ҳаммасини талаффуз қилишидир. Бу камчилик ўқиш жараёнида келиб чиқади. Жумлани синтагмаларга тўғри ажратишда энг яхши намуна - ўқитувчи нутқидир. Ўқитувчига тақлид қилиб ўқувчи қисқа жумлани бир нафасда айтади, узунроқ жумлани қисмларга бўлиб, пауза билан айтади. Ўқувчиларни жумлани синтагмаларга бўлиш ва синтагмалар ичида сўзларни қўшиб айтишга ўргатиш учун махсус белгилар қўйилади.

Пауза қилиш керак бўлган жойда синтагмалар чегарасига вертикал чизикчалар қўйилади. Масалан: Овқатдан кейин / болалар кийиндилар/ ва ташқарига чиқдилар. Ўқувчилар шу синтагмалар орасида тўхталиш қилишга ўргатилади. Кейинчалик ўқувчилар чизикчаларсиз жумлаларни паузаларга ажратишга ўрганадилар.

Якка машғулот дарсларини ташкил қилиш

Эшитиш идрокини ўстириш ва талаффузга ўргатиш бўйича машғулотлар ўқувчилар сонидан қатъий назар ҳар бир синфда 18 соатдан ўтказилади. Бу машғулотлар эшитиш кабинетидagi фронтал дарслар мусикий ритмик машғулотлар билан параллел равишда ва дарслардан кейин ўтказилади. Ҳар бир махсус таълим муассасасида якка машғулотлар жадвали бўлиши шарт. Талаффузга ўргатиш ва эшитиш идрокини ривожлантириш бўйича машғулотлар бошланғич синфларда ҳар бир ўқувчи учун ҳафтасига

3 соатдан ўтказилади. Машгулотларнинг ярми талаффузга ўргатишга, ярми эшитиш идрокини ривожлантиришга ажратилади.

Якка машгулотлар жараёнида ўқитувчилар ўқувчининг овози, нутқ товушлари, нуткий нафас, сўз ва жумла устида ишлайди. Сўз ургуси ва талаффуз меъёрларига риоя қилган ҳолда гапиришга ўргатади.

Талаффуз малакаларини шакллантириш таклиддан бошланади. Ўқувчи ўқитувчининг нутқ органларини кўриш имкониятига эга бўлади ва овоз кучайтиргич аппарат ёрдамида талаффуз қилинаётган нутқ материални намунага қараб такрорлайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳамма ЭНБ ўқувчилар ҳам бундай табиий ва осон йўл билан товушларни такрорлай олмайдилар. Шунинг учун агар ўқувчилар маълум бир талаффуз малакаларини эгаллашга қийналсалар, бошқа усуллардан фойдаланишга тўғри келади:

Артикуляцияни эгаллашнинг босқичма-босқичлилиги

Масалан: Агар ўқувчида «С» товуши эшитиб, кўриш орқали ҳосил бўлмаса, аввал тиш аро с ҳосил қилинади. Бу ҳолат мустаҳкамлангандан кейингина тил тиш орқасига олиниб, меъёрдаги «С» товуши ҳосил қилинади.

Баъзи механик усуллардан фойдаланиш

Масалан: «Р» товушини ҳосил қилишда ўқувчининг бармоғи ёки зонд ёрдамида тил учигаги вибрацияни ҳосил қилиш.

Кўриш асбоблари (визуал прибор)дан фойдаланиш

Масалан: Жарангли ундошларни кўйишда И-2 М асбобидан фойдаланиш.

Шуни таъкидлаш муҳимки, ўқувчи керакли артикуляцияни эшитиб кўриш орқали эгаллай олмаса ҳам, уни бошқа усуллар билан эгаллаган бўлса ҳам, эшитиш қолдиғига таяниш, уни кейинги босқичларда тўғри артикуляцияни янада яхшироқ эгаллашига ёрдам беради. Шунинг учун талаффузга ўргатиш машгулотларида *овоз кучайтиргич аппаратдан фойдаланиш* шарт ва зарурдир. Товушлар тўғри қўйилгандан кейин улар бўғинли машқларда сўзларда мустаҳкамланади. Илмий тилда, бу жараёни *автоматлаштириш* дейилади. Ундан кейинги босқич артикуляцияси жиҳатдан ўхшаш товушларни фарқлашга ўргатиш бу *дифференцацш*лаш дейилади. Масалан: С-З, П-Б, Т-Д товушлари артикуляцияси бир-бирига яқин бўлиб, ун пайчаларининг ишти-

роки билан фарқланади. Шу товушлар бир-биридан фарқлашга ўргатилади.

Талаффузга ўргатишнинг гултожи, сўзни тўғри талаффуз қилишга ўргатишдир. Айнан сўзни талаффуз қилаётганда ўқувчининг барча эгаллаган билимлари намоён бўлади: Овоздан меъёрадаги баландлик, тезликда фойдалана олиш сўзнинг товуш таркибини тўғри айтиш, сўз урғуси ва шу тилга хос бўлган орфоэпия қоидаларига риоя қилиш. Қуйида сўз устида ишлашнинг турларини келтириб ўтамиз.

Ўқитувчидан кейин такрорлаш:

Масалан: Ўқитувчи мактаб сўзини талаффуз қилади. Ўқувчи уни эшитиб кўриш орқали такрорлайди. Бунда сўзнинг шакли ва урғуси тўғри талаффуз қилинади. Лекин у м товуши ўрнига б товушини талаффуз қилиб, мактаб ўрнига бактаб дейиши мумкин. Бундай пайтда нотўғри талаффуз қилинаётган бўгин ажратиб олинади ва ўқитувчи томонидан тўғри талаффуз қилинади. Ўқувчи бўгинда ҳам М товушини тўғри талаффуз қила олса, унга М товуши талаффузида ҳаво оғиздан эмас, бурундан чиқиши сездирилади. М товуши тўғри талаффуз қилингандан кейин сўз яхлит айттирилади. Ўқиш билан боғлиқ бўлган машқлар:

1. Сўзларни қисмларга бўлиб ўқиш.

а - с с - а - лом

нав - бат - чи

ас - са - л - ом

нав - ба - т - чи

асса - л - ом

навбат - чи

ассалом

навбатчи

Бу усул ўқувчи учун мураккаб бўлган нутқ элементларини ажратиб уларнинг устида ишлашга ёрдам беради. Ўқитишнинг ҳамма босқичларида қўллаш мумкин: тайёрлов синфда ҳам, 4-синфда ҳам 10-синфда ҳам.

2. Сўзларни қисмларга бўлмасдан ўқиш.

3.

Нон	Жавон	Қаламдон
-----	-------	----------

Бу сўзларни ўқиш жараёнида ўқувчи товушларни маълум позицияда тўғри талаффуз қилишга ўрганади.

4. Ўхшаш сўзларни ўқиш: кул - гул

куз - кўз

Бундай усул ўхшаш товушларни ўхшаш позицияларда фарқлашга ёрдам беради.

Мустақил нутқдан фойдаланишга оид машқлар:

1. Маълум предмет, ҳаракат, ҳодисалар акс эттирилган расмларни номлаш.

2. Саволларга жавоб бериш (расмга қараб, матн юзасидан, матнга ва расмга таянмасдан).

3. Мисоллар ечиш.

Масалан: ўқувчи она, нон, синф, жавон расмлари номлаш жараёнида, ва «Бугун ҳафтанинг қайси куни?» саволига жавоб бериш пайтида душанба сўзини айтаётганда, унинг нутқида н товуши мустаҳкамланади. Агар ўқувчи хатога йўл қўйса, ўқитувчи бу сўзларни тўғри талаффуз қилиб, унинг хатосини тўғрилайди. Ўқувчи ўқитувчининг орқасидан такрорлайди. Агар бу самара бермаса, юқоридагидек сўзни қисмларга бўлиб талаффуз қилишга ўргатиш мумкин.

Гап устида ишлаётганда ҳам турли иш усулларида фойдаланилади: тақлид, ўқиш, ўқувчининг мустақил нутқи. Бу ерда кичик жумлаларнинг яхлит айтилишига ва катта жумлаларни синтагмаларга бўлишга асосий эътибор қаратилади. Шунинг унутмаслик муҳимки, энг яхши намуна ўқитувчининг нутқидир. Шунинг учун ўқитувчи равон, тушунарли, тилнинг талаффуз меъёрлари ва адабий тил меъёрларига риоя қилган нутққа эга бўлиши лозим.

Талаффуз малакаларини текшириш

Талаффуз малакаларини текшириш - талаффузга ўргатиш самарадорлигини оширивучи муҳим воситадир. Текшириш натижалари асосида ўқитувчи ўзининг келажакдаги ишларини режалаштиради. Бу текширувлар ҳар бир ўқувчининг ўзига хос имкониятларини ўрганишга, ҳисобга олишга ёрдам беради.

Даврий текширувлар ўқувчининг эгаллаган маълум билим ва малакаларини ўрганиб чиқишга ёрдам беради. Улар ҳар чоракда ёки ҳар ярим йилликда ўтказилади.

Ҳар бир дарсда эса ўқувчининг маълум бир материални ўзлаштиргани унинг фонетик кундалигига белгилаб борилади. Ўз олдига қўйган мақсадларига қараб аналитик ва синтетик текшириш турлари мавжуд.

Аналитик текшириш талаффуз элементларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши сифатини ўрганишга ёрдам беради. Бу текшириш усули учун маълум материал танлаб олинади. Сўзлар, бўғинлар, маълум товушлар, жумлалар, нутқ материали сифатида танланиши мумкин. Текшириш жараёнида ўқувчи таклиф қилинаётган материални ўқиши ҳам, мавзуга оид расмларни номлаши ҳам мумкин. Иккала усул ҳам ўз ютуқлари ва камчиликларга эга. Ўқиш жараёнида товуш таркиби яхши айтилади, лекин сўзлар яхлитлигига путур етади. Расмларни номлашда эса сўзлар яхлит айтилади, лекин товуш таркибига путур етади.

Талаффузнинг бошқа томонларини текширишдан олдин ўқувчининг нутқи ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиши лозим. Бу мақсадда ўқувчига ҳафта кунлари, ойларини айтиш, 1 дан 10 гача санаш таклиф этилади. Тайёрлов синф ўқувчиларига эса кийимларни ёки тана аъзоларини айтиш таклиф этилади.

Бу пайтда ўқувчи нутқининг тушунарлилигига унинг овозининг ўзига хослигига эътибор бериш лозим.

Овозини текшириш учун алоҳида материал танлаш шарт эмас. Овознинг характериға, унлилар ва баъзи ундошлар (м, н, р, в,) текшируви пайтида эътибор бериш лозим.

Товушлар талаффузининг сифати сўзлар, бўғинлар ва баъзи ҳолатларда якка товушлар ёрдамида текширилади.

Текшириш учун олинadиган сўзларга қўйиладиган талаблар:

1. Ўқувчига сўзнинг маъноси таниш бўлиши лозим.
2. Бош келишиқдаги отларни танлаш лозим.
3. Текширилаётган унли товуш урғули ҳолатда бўлиши лозим.
4. Текширилаётган ундош товуш ҳар хил ҳолатларда текширилиши лозим, айниқса талаффуз камчилигини келтириб чиқарадиган ҳолатларга алоҳида эътибор бериш лозим. Масалан: бурун товушлари бўлмиш м, н товушлари учун у ва и унлилари олдидаги ҳолат мураккаброқ ҳисобланади. Мушук сўзини мпушук, нилуфар сўзини нтилуфар деб талаффуз қилишлари мумкин. С, Ш. товушлари учун эса сўз охиридаги ва бошқа ундошлар билан биргалиқдаги ҳолат тўғри талаффуз учун мураккаб ҳисобланади.

Товушларни текширишдаги қўшимча материал бу - бўғинлардир. Бунда текширилаётган ундош товуш унли олдидаги,

икки унли орасидаги ва унлидан кейинги ҳолатда текширилади.
Масалан, са, аса, ас.

Куйида 2-синф ўқувчиларини текшириш учун материал
таклиф қилинади

I. Нутқий нафас

1. Бир нафасда 4 бўгинни айтиш таклиф этилади.

Па папапа

2. Саволларга жавоб бериш:

Жавоб тўлиқ бўлиши лозим.

Сен нечанчи синфда ўқийсан?

Ёшинг нечада?

3. Гапларни ўқиш.

II. Овоз (унлилар билан текширилади).

III. Товушлар.

IV. Сўз урғуси: *китоб, дафтар*

V. Орфоэпия қондаси:

1. Жарангли товушларни сўз охирида жарангсизланиши *китоб*

2. Товушларнинг тушиб қолиши *баланд*

3. Жуфт ундошлар *арра*

Талаффуз тезлиги жумлалар, боғланишли нутқ орқали текширилади. Бу ерда нутқнинг ҳар хил усулларида фойдаланилади: ўқиш, сўзлаш, ҳикоя каби усулларни таклиф қилиш мумкин. Уларга мустақил ҳикоя тузиш топшириғини ҳам бериш мумкин. Ҳар бир ўқувчининг талаффузи ҳақида алоҳида баённома тузилади.

Баённома тахминан шундай тузилади

1. Ўқувчининг исми, шарифи;
2. Синф, мактаб;
3. Талаффузни текшириш санаси;
4. Овоз;
5. Нутқий нафас;
6. Сўзлар талаффузи;
7. Нутқи ҳақида умумий тасаввур;
8. Товушлар;

«Овоз» бўлимида овоз кучи, баландлиги, тембри ҳақида ахборот берилади. Меъёردа ёки (агар меъёрдан чекланишлар бўлса) масалан, жуда паст ёки чинқирик ёки бўғик, фальцет, қайсидир

товушларда баландлайди. Айнан қайси товушларда баландлаши ҳақида ёзилади.

«Сўзлар» бўлимида уларни талаффузи ҳақида ахборот берилади. Масалан, яхлит ёки бўғинлаб ёки товушлаб. Урғуга риоя қилиш, қилмаслиги ҳақида ҳам ёзилади.

«Нутқи ҳақида умумий таассурот» бўлимида нутқ равон, равон эмас, яхлит, яхлит эмас деб ёзилади. Товушлар талаффузини текшириш натижалари ҳам шу баённомага киритилади. Текшириш натижалари асосида ўқитувчи кейинги чорак ёки ярим йиллик режасини тузади.

Синтетик текширув

Синтетик текширувда ЭНБ бола нутқининг атрофдагиларга тушунарлилиги текширилади. Бу текширувда сухандон сифатида ЭНБ болалар иштирок этадилар. Аудитор сифатида эса эшитувчи одамлар гуруҳи иштирок этади. Нутқнинг тушунарлилиги фоизларда намоён бўлади. Бунинг учун тўрт кишидан иборат аудиторлар танланади. Улар иккита текширилаётган боланинг нутқини эшитиб тайёргарликдан ўтадилар. Уларнинг нутқни уч-тўрт маротабадан эшитадилар. Аудиторлар вазифаси ўқувчилар нутқини эшитиш ва белгилаб бориш. Нутқ материали сифатида 50 та сўз берилади. Бу сўзлар икки бўғинли ва уч бўғинли нутқда кенг қўлланиладиган сўзлардир. ЭНБ боланинг нутқини эшитаётганида аудитор сўзловчининг юзини кўрмаслиги лозим.

Талаффуз равонлиги қуйидагича текширилади:

Ҳар бир аудитор томонидан туширилган сўзлар саналади, кейин унинг ҳисоби чиқарилади. Тўртта аудитор 50 тадан сўзни эшитади.

$4 \times 50 = 200$ агар тўртта аудитор 140 та сўз эшитса равонлик қуйидаги фоизларда бўлади.

$140 \times 100 : 200 = 70$ ўқувчи нутқининг равонлиги 70 %.

Бундай текширувлар йилига бир маротаба ўтказилади.

Якка машғулот хонасининг жиҳозланиши.

Якка машғулот ўтказиладиган хона бинонинг шовқиндан узоқроқ қисмда жойлашган бўлиши лозим.

Якка машғулот ўтказиладиган хонада столда ойна, овоз кучайтиргич аппарат, дарсликлар, кўргазмали қуроқлар, шпатель,

зонд, дезинфекцияловчи восита, яъни спирт, пахта, экран бўлиши лозим.

Маълум бир талаффуз малакаларини ҳосил қилишда ўқувчи ўқитувчининг нутқ органларини, ўзининг нутқ органларини кўриб туриши лозим, шунинг учун ойна якка машғулот хонасидаги энг керакли жиҳоздир. **Дарсликлар.**

Мустақиллик йилларида ўзбек олимлари томонидан ЭНБ болалар учун талаффуз дарсликлари яратилди. Бу дарсликларда талаффузни шакллантириш бўйича ҳар-хил иш турлари берилган. Улардан машғулотларда фойдаланиш иш самарадорлигини оширади.

Расмлар

Ҳар бир дарс учун алоҳида танланади. Улар ўқувчини мустақил нутқ турларини қўллашга ундайди. Расмларни номлаш орқали ўқувчи дактиль нутқ ва ёзувга таянмасдан мазкур сўз ва жумлаларнинг фонетик таркибини талаффуз қилишига ёрдам беради. Бундан ташқари товушлар артикуляцияси акс эттирилган фотосуратлар ҳамда товушлар талаффузида нутқ органлари ҳолати акс эттирилган талаффуз профили бўлиши шарт.

Жадваллар

Маълум бир товушни мустаҳкамлаш ва ўзига яқин бўлган товуш билан таққослаш учун қўлланади. Бу жадвалларда машқлар, саволлар, топишмоқ, тез айтишлар бўлиши мумкин.

Ўйинчоқлар

Бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишда фойдаланилади. Масалан, нутқий нафасни ривожлантириш учун сувда сузиб юрган ўрдакчаларни, масхарабозни пуфлаш.

Логопедик зондлар

Зангламайдиган пўлатдан ишланган, товушларни қўйиш ва тузатиш пайтида тилга механик таъсир қилиши учун мўлжалланган махсус асбоблардир. Улар ҳар хил шаклга эга. Шпательдан ҳам зондлардан фойдалангандек фойдаланилади.

Экран


Эшитиш идрокини ўстириш машғулотида ўқувчи баъзи ўқитувчининг нутқ органи ҳолатини кўрмаслиги учун ўқитувчи экрандан фойдаланади.

Овоз кучайтиргич аппаратлар


ЭНБ болаларга улар эшитиш қолдиғига таяниб ўзгариш нутқини идрок этишга ва ўз нутқларини назорат қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, яқка машғулотларда товушлар ушбу машқлар ёзилган альбомлардан ҳам фойдаланилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ф.Ф Рау. А.Ф. Слезина. Методика обучения произношению в школе глухих.// Москва. Просвещение. 1981.
2. Под редакцией. Ф.Ф. Рау и др// Москва, Просвещение, 1976.
3. Ф.Рау. Обучение глухих произношению, Учгизиздат, 1948.
4. Ж.В. Хусанова. Тўғри гапирайлик // Тошкент, 2003.



**А товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**У товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**Ў товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**И товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**Э товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**О товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**П товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**Б товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**М товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**Ф товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутк
аъзоларининг тасвири**




**С товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутк
аъзоларининг тасвири**




**З товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутк
аъзоларининг тасвири**



Т товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири




Д товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири



В товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири



**Н товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**



**Л товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**Р товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




Рис. 76. Профили

Ш товушининг талаффуз профили




Ч товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ аъзоларининг тасвири




Ж товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ аъзоларининг тасвири



**К товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**Г товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**




**Х товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутқ
аъзоларининг тасвири**



**Й товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутк
аъзоларининг тасвири**



**Қ товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутк
аъзоларининг тасвири**



**Ғ товушининг талаффуз профили ва мазкур товушда нутк
аъзоларининг тасвири**

ҚАЙДЛАР УЧУН

2021/2/29 20:15

1. Талаффузни шакллантириш методлари.....	4
2. Эшитишда нуксони бўлган болаларда нуткий нафас устида ишлаш.....	5
3. Нуткий нафасни, овозни, товушларни қўйиш усуллари.....	6
4. Овоз устида ишлаш.....	10
5. Чинкирик овоз.....	13
6. Овоз тембри бузилишларига оид камчиликлар. Пинғи овоз.....	15
7. Хирки овоз.....	15
8. Товушларни қўйиш ва тузатиш.....	16
9. Умумий методик кўрсатмалар.....	17
10. Товушларни қўйишда бир-бири билан боғлиқлиги.....	18
11. Унли ва ундош товушлар билан ишлашнинг умумий қоидалари.....	19
12. Унли товушлар. А товуши.....	22
13. Ў товуши.....	23
14. У товуши.....	25
15. И товуши.....	27
16. Э товуши.....	29
17. О товуши.....	30
18. Ундош товушлар.....	32
19. П товуши.....	32
20. Б товуши.....	35
21. М товуши.....	37
22. Ф товуши.....	40
23. С товуши.....	41
24. 3 товуши.....	45
25. Т товуши.....	46
26. Д товуши.....	48
27. В товуши.....	50
28. Н товуши.....	52
29. Л товуши.....	54
30. Р товуши.....	56
31. Ш товуши.....	59
32. Ж товуши.....	61
33. К товуши.....	63
34. Г товуши.....	64
35. Х товуши.....	66
36. Й товуши.....	68
37. Ч товуши.....	69
38. Қ товуши.....	70
39. Ғ товуши.....	72
40. Сўз устида ишлаш.....	73
41. Сўзлар талаффузи темпи, яъни, тезлиги устида ишлаш.....	74
42. Жумла устида ишлаш.....	77
43. Жумлаларни паузаларга бўлиш.....	78
Фойдаланилган адабиётлар.....	87

ЭШИТИШДА МУАММОСИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ТАЛАФФУЗГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2014

Мухаррир: Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир: М.Холмуҳамедов
Мусаввир: Д.Азизов
Мусахҳиҳа: Н.Ҳасанова
Компьютерда
саҳифаловчи: Ш.Мирқосимова

E-mail: tipografiyacent@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.

Нашр.лиц. АЛ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 27.08.2014.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 5,0. Нашр босма табоғи 5,5.

Тиражи 150. Буюртма №118.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.